



ERKIN YURT

ЎЗБЕКИСТОН "МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ" МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎХХ МАТБУОТ БИЛДИРИШИ



Мустақиллик эълон қилинганидан 21 йил ўтиб, юртимиз аҳволи худди абсурд сахна асарининг энг чиркин буёқ ва шаклларини эслатади: Конституцияси масхара мавзусига айланган, қонунсизлик ҳукми ўрнатилган бир давлат. Порахўрликдан илма-тешик бўлган иқтисод, қашшоқликдан қобирғаларини санаш мумкин бўлган оддий халқ, оиласига бир парча нон топиш илинжида чет элларга қуллик учун чиқиб кетаётган миллионлаб инсонлар, аксарияти учун ҳақсизлик, ҳақорат ва хўрлик оддий турмуш тарзига айланган бир жамият!

Бу манзара фонидида – бир сония ҳам тўхтовсиз ишлаётган давлатнинг даҳшатли террор машинаси.

Давлат террори – Абсурд Режимининг ҳаёт манбаидир. Давлат террори – мамлакат ресурсларини ямламай ютаётган, миллат мадорини кемириб тугатаётган бир юҳодир. Давлат террори – қабоҳат салтанатининг суянган тоғидир.

Бу террор мингларча иймонли кишиларни махфий хизмат ертўласида чиритмоқда, минглаб тинч аҳолини қийноқлар остида ўлдирмоқда.

Бу террор оқибатида сиёсий муҳолифатнинг бир қисми юрт ташқарисига қочиб, бир қисми яширин фаолиятга ўтди.

Террор машинаси бир сония ҳам тўхтагани йўқ, балки бутун куч-қуввати билан хур фикрли инсонлар ва оддий диндорларни йўқ қилишда давом этмоқда.

Ва бу Абсурд Режимининг "Мустақиллик байрами" худди аҳолиси вабога чалинган шаҳардаги айшу-ишратни эслатади.

Биз биламиз, бугунги "байрам"га тилла тишларини ялтиратган хазина ўғрилари, давлат русумли "Jeep" минган фоҳишалар, "Chanel" атирлари уфурган зўравонлар, диктаторнинг лаганбардор шоирлари, генерал либосидаги қотиллар, кўшни ўлка тупроғига "дахлиз" истаган элчилар ва ҳоказолар ҳозир бўлажак, аммо жафокаш ўзбек халқидан бирорта ҳам вақилни кўрмайсиз у ерда.

Ўзбек халқи 21 йил кузатгани каби, бу зиёфатни бир чеккада жим кузатажак.

Байрам ниқобидаги бу дафн маросимини, Хуррият орзуларининг бу режим давридаги дафн маросимини кузатажак.

ТОКИ БУ РЕЖИМ БОР ЭКАН, ОЗОДЛИК ЙЎҚДИР.

Бу халқимизнинг 21 йил давомида ўрганган илк ҳикмати бўлди.

Ҳикматнинг иккинчи қисми эса асрлардан бери маълум: **ОЗОДЛИК БЕРИЛМАЙДИ, У ОЛИНАДИ.**

Яшасин Озодлик!

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати
2012 йил 1 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА

• Йигирма йил бўлди – Мустақил эмиш,
• Бу давринг ажиб бир даврондир, Ватан.
• "Олтин қафас ичра қизил гул" эмиш,
• "Булбулга тикандек ошён" дир Ватан!
• Хануз кутилмадинг жабру-зулмдан,
• Эй халқим, пешонанг шўр экан чиндан,
• Билмадим, сен нажот кутасан кимдан?
• Золимнинг қўлида нолондир – Ватан.
• Далалар ичинда пахта толамас,
• Уни тераётган гўдак боламас,
• Қир адирда ўсган гуллар, лоламас,
• Жигарингдан оққан, бу кондир – Ватан.
• Бузилди мезонлар, тошу-тарози,
• Ҳаммада бор ташвиш, ҳамма норози,
• Эшитмас додинги порахўр – қози,
• Халқ адолат излаб, сарсондир, Ватан.
• Ноинсоф золим шох, юртнинг Хонидир,
• Унинг озукаси – халқнинг қонидир,
• Шулар бу даврининг "қахрамон" идир,
• Асл фарзандларинг "душман" дир, Ватан.
• Гўё, хумо куши кўнди-ку бизга,
• Чўлда сароб, сувдек кўринди кўзга,
• Бугун тушунарли эмасми сизга?
• То хануз бағрингда, пайкондир – Ватан.
• Бугун гўё булар омади чопган,
• Асли ўз уруғин илдинин чопган,
• Золимлар зулмидан юртдан қочган,
• Қанчалар ғурбатда, гирёндир, Ватан?!
• Қани дўсту-ёринг, қардош-қадрдон,
• Барчага душмансан, барчадан пинҳон,
• Қанча фуқаролар, қанча мусулмон
• Мустақил режимга қурбондир, Ватан!
• Уйда фарзандлар оч, ота излар пул,
• Кетарлар чет элга, аёллари тул,
• Қизлари фоҳиша, ўғиллари қул,
• Дунёда расвои жаҳондир, Ватан!
• Жайхуннинг сувлари ювмас қирғоғин,
• Шўр босди унумдор еру-тупроғинг,
• Пешонанг шўр экан, қуриди боғинг,
• Уммонинг булан чанг, тўзондир, Ватан!
• "Жаслик" билан бадном бўлдинг оламга,
• Фахр эмас иснод керак одамга,
• Қачонгача сабр этарсан бу ғамга,
• Дилинг тўла афсус, армондир, Ватан!
• Халқинг қашшоқ бўлиб, қуриб битди-ку,
• Ўғлонинг турмада чириб битди-ку,
• Эрк истаган мардлар ўлиб битди-ку,
• Мустақил бўлганинг ёлғондир, Ватан!
• Ота-боболарим дил берган сенга,
• Улардан қолган хок, мероссан менга,
• Лекин алишмасман мен сени динга,
• Иймонимдан қадринг арзондир, Ватан!
• Сени дардинг учун менда чора йўқ,
• Қийналаман кўриб, нетай чора йўқ,
• Сен каби жафокаш жигар-пора йўқ,
• Аҳволинг ақлим ҳайрондир, Ватан!

М. Абутов

2012 йил 16 август

ЎХХ ИСТАНБУЛ НАМОЙИШИ



1 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Истанбулда, Ўзбекистон Консуллиги биноси олдида мамлакат Мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан пикет ўтказди. Пикетда ЎХХ аъзолари ва Туркиядаги жамоатчилик вакиллари қатнашди. Пикетда ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси ва мувофиқлаш-тирувчиси Намоз Нормўмин ва “Ўзбеклар бирлиги” жамиятининг Раиси Адем Чевик йиғилганларга қисқа мурожаат қилдилар. Улар Ўзбекистон мустақилликка эришганига 21 бўлганига қарамай, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида совет бюрократик тизимининг меросидан қутула олмагани, ҳозирда бу меросни диктатор Ислам Каримов давом эттираётганини таъкидладилар. Ўзбекистоннинг замонавий ва ривожланган давлат бўлишининг шарти – диктатуранинг тугатилиб, унинг ўрнига Эркинлик, Ҳуқуқ ва Адолатга асосланган Фуқаровий жамият қуриш эканлигини айтиб ўтдилар. Шунингдек, пикетда Туркия ҳукуматидан бу ерда яшаётган Ўзбекистонлик муҳожирилари Каримов режимга қайтариб бермаслик талаб қилинди.

ЎХХ Ахборот Маркази
1 сентябрь 2012 йил

ЎХХ ОСЛО НАМОЙИШИ



1 сентябрь куни Норвегия пойтахти Ослода Ўзбекистон мустақиллиги куни муносабати билан пикет бўлиб ўтди. Пикет қатнашчилари мамлакатнинг ҳақиқий мустақилликка эришиши ҳақда хитоб ва шiorлар айтишди. Йиғинда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Норвегия бўлими раиси Мақсуд Бекжон кичик бир маъруза қилди. Қуйида ушбу маъруза матни билан танишасиз:

Мустақилликка бўлган масофа

(Мустақиллик куни муносабати билан)

Халқимиз ўз миллий мустақиллигини эълон қилганига 21 йил бўлибди, орадан шунча вақт ўтибди-ю, аммо ҳали ҳам юртимизга ушбу мустақилликнинг нурлари етиб келганича йўқ. Гўё миллатимизга тегишли озодлик мисли кўрилмаган олис бир сайёрада ўз берган-у, энди ушбу Озодлик нурларининг бизга етиб келиши учун шунча муддат ҳам озлик қилмоқда.

Қуёш нурининг Ерга етиб келиши учун 8 дақиқа ва 19 лаҳза сарфланади, энди 21 йилдан бери бизга етиб келолмаётган Мустақиллик нурларининг қанчалар узоқликдаги бир сайё-

радан келаётганини бир тасаввур қилиб кўринг. Аслида, бу узоқлик, бу масофа Халқ Шуури билан Мустақиллик туйғуси ўртасидаги узоқлик ва масофадир. Совет колониал тузуми миллатимиз онгидан Мустақиллик ва Озодлик туйғуларини шу қадар узоқлаштирган экан-ки, энди унинг нурлари бизга етиб келиши учун ҳатто 21 ёруғлик йили (“световой лет”) ҳам етмайпти. Натижада бу қоронғуликка чидамаган баъзилар бугун “бундан кўра, мустақил бўлмаганимиз афзалроқ эди”, дейишгача бормоқдалар.

Бугун бизнинг – муҳолифатнинг – вазифаси Мустақиллик нурларини халққа тушунтириш, етказиш эмас, балки, Мустақиллик сайёрасининг ўзини халқнинг қалбига жойлашдан иборат бўлмоғи лозим. Муҳолифатнинг вазифаси масофаларни йўқ қилишдан иборат бўлиши керак: ҳоҳ бу – шуур билан тушунча ўртасидаги масофа, ҳоҳ халқ билан ҳокимият ўртасидаги ва ҳоҳ ўзи билан ватани ўртасидаги масофа бўлсин...

Аллоҳ Мустақиллик аталмиш манзилимизни яқин, масофасини қисқа қилсин!

Мақсуд Бекжон

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОДИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллигида, ватанимизнинг мустақиллигини жону-дилдан истаган халқнинг асл фарзандлари зулмга учраб, қамоққа ташланиб, ваҳшийларча қиёноққа дучор қилиниб, шаҳид этилиб ва ўз севган ватанларидан жудо қилиниб, сурган қилинди. Бу рамзий рўйхатда улардан баъзиларининг номларини эслаб ўтмоқчимиз:

1. Муҳаммад Солиҳ,
2. Отаназар Орипов
3. Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон)
4. Мурот Жўраев
5. Муҳаммад Бекжон

6. Гулчехра Нуруллаева
8. Шовруқ Рўзимуродов
9. Самандар Қўнонов
10. Абдували қори Мирзаев
11. Абдулла Утаев
12. Обидхон қори Назаров
13. Алишер Соипов
14. Фуад Шоқирий
15. Толиб Ёқубов
16. Алибой Йўляшши
17. Дадаҳон Ҳасан
18. Абдумунноб Пўлат
19. Дилором Исҳоқова
20. Носир Зокир
21. Сулаймон Мурод
22. Ҳазратқул Худойберди
23. Намоз Нормўмин
24. Муҳаммадсолиҳ Абутов

25. Тўлқин Қораев
26. Мақсуд Бекжон

Албатта бу рўйхат рамзий ва тўлдирилмагандир. Чунки бу рўйхатни тамомлаш учун балки бир неча байрамларнинг тайёргарлик жараёнига аҳтиёжimiz бўлар. Мухими Ўзбекистон халқининг ичида адолат ва эркинлик тарафдорларининг сон саноксиз эканлигидир. Биз бу фидокор инсонларни халқимиз ва ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган курашлари билан табриқлаймиз. Улар орасида вафот этганларга ва шаҳид бўлганларга Аллоҳ таолодан раҳмат тилаймиз.

ЎХХ Хабар Маркази
31 август 2012 йил

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА (ЁХУД ЯНА БИР МАРТА ЎХХНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА)



эркинлик, ҳуқуқ ва адолатга асосланган фуқаровий жамият қуришдан иборатдир. Бу жамият ижтимоий ҳаётнинг бутун соҳаларида Каримов тузумининг акси бўлади. Яъни, биз қурадиган жамиятда халқимиз

Олий Мажлис, Ижро Ҳокимияти ва Маҳкама (Суд) ҳокимияти давлат ҳокимиятининг негизини ташкил қилади. Сайловлар ўтказиш ва давлат ҳокимияти тармоқларининг салоҳиятлари асосий қонунда белгиланади. Давлат ҳокимияти тармоқларидан ҳеч бирининг мутлақ ҳокимиятга эга бўлишига имкон берилмайди. Олий Мажлис ва Ижро Ҳокимияти орасидаги келишмовчиликлар Олий Маҳкама (Суд) қарори билан ечимга боғланади.

6. Жамиятда миллатлар ораси муаммо чиқмаслиги учун Ўзбекистондаги барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқлар билан таъминланади. Миллатпарастлик, яъни бир миллатнинг бошқа миллат вакиллари тарафидан камситилишга ва ҳўрланишига йўл қўйилмайди. Барча миллат вакилларига ўз она тилларини, миллий урф одатларини ўрганиш ҳаққи таъминланади. Шу билан бирга ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлади.

7. Маълумки Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми Ислом динига эътиқод қилади.

ЎХХ Ислом динини ўрганиш ва тараққий қилдиришнинг мўътадил йўли тарафдоридир. Диний маърифат (яъни Исломни ўрганиш) ва мусулмонларнинг ўзаро иттифоқига эришиш бу соҳадаги устувор вазифа ўрнида қўрилади. Ушбу мўътадиллик йўлини ҳаётга тадиқ қилишни мувофиқлаштириш ва ҳуқуқатга амалий тавсияларда бўлиш учун бу соҳада мутахассисликка эришган кишилар, яъни уламоларнинг Кенгаши тузилади. Бу Кенгаш янги ҳуқуқат билан ҳамкорлик қилишни ўз зиммасига олади. Дин масаласидаги барча ихтилофлар ва тушунмовчиликлар мана шу Кенгашнинг тавсиясига қўра ҳуқуқатнинг амалий тадбирлари билан ечимга боғланади. Кишиларнинг ўзлари истаган шаклда диний жамоалар ва ҳаракатлар тузиб олишига, бу орқали мусулмонлар орасида ихтилоф ва жанжал чиқаришларига имкон берилмайди. Дин масаласида ҳаддан ошиш, жазапарастлик, бидъатчилик, маънатпарастлик муаммоларини ечимга боғлашда Уламолар Кенгашининг қарори асос сифатида қўрилади.

8. Эркин тадбиркорлик, фермерлик ва тижорат билан шуғулланиш қулайлаштирилади. Солиқ ва боғхона сиёсати қайта қўриб чиқилади ва улар эркинлик шароитига мослаштирилади. Кичик ва ўрта даражадаги корхоналар бутунлай хусусийлаштирилади. Давлат фақат стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг фаолиятини назорат қилади.

9. Қишлоқ аҳлига ҳам эркин тижорий ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга имкон яратилади.

(Давоми кейинги бетда)

Мустақиллик байрами ҳар йили бўлгани каби яна Мустақиллик майдонида кўринишда давлатнинг бир гуруҳ намоёндалари, аслида эса халқимизни асир олган диктатуранинг жиноятчи тўдалари (кланлари) вакиллари тарафидан нишонланади. Ўзбек халқи эса бугун мустақиллик шарофатидан узок, зулм тузумининг зарбаларидан мазлум ва паришон ҳолдадир. Ўзбекистон мустақил бўлгандан бери ватанимизда икки дунёқараш вакилларининг муросасиз қураши давом этиб келмоқда: Булардан биринчиси, кечагина Коммунизмни ҳимоя қилганлар, иккинчиси эса эркинлик ва адолат дунёқарашини танлаганларнинг йўлидир. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати мана шундай эркинлик ва адолат йўлининг тамсилчиси дир. Диктатор Каримов 21 йилдан бери мана шундай эркинлик йўлини танлаганларни йўқ қилишга уриниб келаётган бўлсада, аммо бунинг уддасидан чиқа олгани йўқ. Мустақиллик эълон қилингандан кейин ўтган даврда Ўзбекистондаги диктатура ва мухолифат орасидаги қураш ушбу сўзларимизнинг далилидир. Диктатор Каримов ўзи раҳбарлик қилган йилларда Ўзбекистонни дунёнинг энг репрессив (эркинликни бўғадиган) давлатига айланди. Бу зулм режими сиёсий ислохотларни йўққа чиқарди, мамлакат иқтисодини барбод қилди, ижтимоий адолатни ўлдирди, мамлакатнинг маданий ва маърифий ривожланишини ўн йилларча орқага суриб юборди. Аммо бизнинг тақдирдан нолишга ва эркинлик учун қурашишдан бир лаҳза бўлса ҳам чекинишга ҳаққимиз йўқ. Инсон ва жамият ўз хатосини тушуниб етиш ва ундан амалий хулосалар чиқаришга мукаллафдир. Шу маънода Ўзбекистонни тараққиётга бошлашда мухолифатнинг асосий кучи бўлган ЎХХнинг амалий тақлифларини яна бир марта эслатмоқчи эдик. Бу эслатма айни пайтда мухолифатнинг амалий тақлифлари йўқ, деган танқидга ёки ЎХХ қандай ҳаракат ўзи, деган саволга яна бир марта жавоб беради, деган умиддамиз:

1. ЎХХнинг асосий мақсади унинг низоми ва дастурида ифодалангани каби ҳозирги Каримов диктатураси ўрнига

эътиқодий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий эркинликларга эга бўлади. Хуллас, ЎХХ мамлакат бошқарувида келадиган бўлса, Каримов диктатурасига барҳам берилади ва ҳудди 1990 йилларнинг бошларида бўлгани каби ватанимизда ижтимоий сиёсий ҳаётнинг бутун соҳаларида эркинлик ва ошқоролик шамоли эса бошлайди.

2. ЎХХ айни пайтда жамиятдаги эркинликнинг ижтимоий хаосга, яъни эркинлик шароитида ўртага чиқалиган турли ижтимоий гуруҳлар орасидаги ўзаро тўс тўполонларга айланиб кетмаслиги учун ҳам чора тадбирлар олади. Чунки диктатор Каримовнинг 21 йиллик мустақил режимининг инсонларимизни эркинликка чанқок қилиб қўйди. Бундай шароитда ўзларига чегарасиз эркинлик истаган ижтимоий табақалар орасида зиддиятлар ва тўс тўполонлар чиқиши мумкин. (Бундай ҳолга йўл қўймаслик учун олинмайдиган тадбирлар қуйида моддалар ҳолида келтирилган.)

3. Инсонларга сўз, фикр, эътиқод, турли жамиятларга ва ҳаракатларга аъзо бўлиш, эркин тадбиркорлик ва тижорат билан шуғулланиш, оммавий ахборот воситалари таъсис этиш, мамлакатда ва хорижий давлатларга саёҳат қилиш эркинлиги берилади. ОВИР визаси бекор қилинади, қўшни давлатлар ва Ўзбекистон билан визасиз сафарларни йўлга қўйишни истаган давлатлар билан бу масалада шартномалар тузилади. Жамиятда эркинлик ва инсон ҳуқуқларига амал қилишда инсонларнинг ҳаёти, эътиқоди, ақли, мол мулки, шараф ва номусларининг дахлсизлиги, келажак насларнинг соғлом бўлишлигини таъминлаш асос қилиб олинади.

4. Сиёсий ҳаракатлар ва партиялар кўпфирклилик ва конструктив (ижобий ташаббус) муқобиллик шароитида фаолият олиб борадилар. Ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасида (диний, сиёсий, миллий, иқтисодий, маданий маърифий) бўлмасин радикал кайфиятда бўлган ҳаракатлар ва партияларнинг фаолиятига қонуний тўсиқлар қўйилади.

5. Давлат ҳокимияти ҳар 5 йилда бир марта ўтказиладиган эркин сайловлар натижасида шаклланади.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА (ЁХУД ЯНА БИР МАРТА ЎХХНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА)

(Давоми боши олдинги бетда)

Фермерлар ҳақиқий маънода ўз мулкларига эгалик қиладилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уларни сотиш хусусийлаштирилади. Пахта етиштиришда маълум муддат давлатнинг режалаштириш ва маҳсулотни сотишда мувофиқлаштириш салоҳияти сақланиб қолади. Ўзбекистондаги фожеали экологик вазиятни ҳисобга олиб, мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг оғирлиги аста секинлик билан ўзгартириб борилади. Тижорат, тадбиркорлик, енгил саноатни ривожлантириш, замонавий техника ва алоқа воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш иқтисоддаги устувор йўналишлар сифатида кўрилади.

10. Мақтабларда дунёвий ва маънавий илмларнинг бирга ўргатилиши йўлга қўйилади. Бу билан ёш авлодларнинг илми, тарбияли, ахлокли, ватанига садоқатли бўлиб етишишлари таъминланади. Уқувчиларнинг қобилиятларига қараб уларнинг олий маълумотли ёки турли соҳаларда уста мутахассислар бўлиб етишишлари учун имкон яратилади.

11. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлатнинг бошқарув ва

мувофиқлаштирувчи роли сақланади. Табиатни кўриш, сув, ҳаво ва озик овқат маҳсулотларининг тозалигини таъминлаш орқали профилактик тиббиётнинг (соғлом ҳаёт тарзи ва касалликларнинг олдини олишнинг) роли кучайтирилади.

12. Жамиятнинг негизини ташкил қиладиган оилани сақлаш ва унинг родини ошириш давлатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида кўрилади.

Ҳомиладор аёллар ва ёш болали оналар нафақа билан таъминланади. Хотин қизлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида кўриладилар, уларга илм олиш, ишлаш ва бошқа ижтимоий фаолиятлар олиб боришда тенгҳуқуқлик таъминланади.

13. Ижтимоий адолат дини, миллати ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги билан таъминланади. Кексалар, болалар, шу жумладан етимлар ва ногиронлар давлат ҳимоясида ва таъминотида бўладилар.

14. Давлат органларидаги ва маҳаллий ҳокимият тармоқларидаги қонунбузарлик, таъмагирлик, порохўрлик каби иллатлар тугатилади. Бу аввало қонуннинг устуңлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва

фуқаролик жамияти тамойилларини яхши ўрганган, ахлоқий ва маънавий жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган янги дунёқарашдаги кадрларни тайёрлаш орқали амалга оширилади. 15. Давлатнинг ташқи сиёсати унинг манфаатларига мос равишда олиб борилади. Халқимиз билан қон қардош бўлган Ўрта Осиё давлатлари билан чегаралар очилади. Бу давлатлар билан умумий иқтисодий, ижтимоий ва ташқи сиёсат олиб бориш кун тартибига келтирилади.

ЎХХ ушбу тақлифларининг амалга ошиши билан қисқа муддатда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётнинг бутун соҳаларида (дин, сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ, таълим тарбия ва ҳк) Каримов диктатурасининг фожеали оқибатларидан қутулади ва Ўзбекистон шитоб билан тараққий қилиш йўлига қиради, деб ишонамиз. Шу тарзда диктатурадан фуқаровий жамиятга ўтиш тугалланиб, халқимизнинг эътиқодий, миллий ва умуминсоният тараққиётининг ижобий қадриятларига асосланган адолатли, эркинлик ва ҳуқуққа асосланган тузумни доимий қилиш учун имкон яратилади.

ЎХХ Тарғибот Бўлими

“НЕЗАВИСИМАЯ ГАЗЕТА” : ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚРОР ТАҲДИД ВА ҚИЙНОҚЛАР ОСТИДА ОЛИНАДИ

Москвада нашр қилинадиган “Независимая газета” Россия раҳбариятини, жамоатчилик ва бизнесменларни Ўзбекистондаги инсон ҳақларининг поймол этилиши ҳолларидан огоҳлантирган. Россия рўзномаси бугун эълон қилган мақола “Иқроор – ҳамон исботнинг маликаси” деб номланади, унда Ўзбекистонда қийноқлар ва босимлар остида инсон бўйнига олган айбловлар 1930 йилларда бўлгани сингари унинг қамалишига хизмат қиляпти, деб ёзилади. Бир пайтлар Кремлнинг стратегик шериги деб эълон қилинган Ўзбекистон шу ёзда икки марта оммавий ахборот воситаларининг диққат марказига тушди, деб бошланади “Независимая газета”нинг янги мақоласи. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Тошкентга сафаридан кўп ўтмай республика раҳбарияти ОДҚБ аъзолигини тўхтатиши ҳақида эълон қилди. Ушбу сиёсий қарордан кейин дарҳол МТСга тегишли Ўзбекистондаги етакчи мобил алоқа ширкати жиддий муаммоларга дуч келди, россиялик сармоядорнинг бу мамлакатдаги бизнесдан айрилиш таҳдиди пайдо бўлди, деб ёзади рус рўзномаси. МТСнинг Ўзбекистондаги бўлими фаолияти бугун буткул фалаж ҳолга келган: барча лицензиялари



бекор қилинган, ширкатнинг бир неча менеджери молиявий қонун бузилишлари айбловлари билан ҳибсга олинган. Шу жумладан, ширкат бош директори вазифасини бажарувчи Россия фуқароси Радик Даутов ҳам. МТС ва Радик Даутов билан рўй берган ҳодиса Ўзбекистон ички сиёсий аҳволига янада чуқурроқ назар ташлаш учун баҳонадир, деб ёзади “Независимая газета”.

“Ҳокимият вертикалини ушлаб туриш учун Ўрта Осиё мамлакатларида жорий этилган шафқатсиз тартибларни бугунга келиб ҳеч қимни ҳайратлантирмайди... Россиялик бизнесменлар вакилларининг фикрича, МТСга қарши айбловлар асосида сўроқ қилинганларнинг босимлар ва таҳдидлар остида берган кўрсатмалари сабаб бўлган. МТС

ширкатидан айтишларича, ушбу ҳодисада мамлакатдаги қудратли тизимларнинг даромадли бизнесни тортиб олиш истакларини кўрмоқдалар”. “Куч тизимларини ишга солиб Ўзбекистонда бизнесларни рейдерлик тажовузлари билан тортиб олиш миқдорларини кўпайта келтириш мумкин”. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистондаги инсон ҳақлари аҳволининг ўта абгорлигини кўрсатади. Мағбуот хабарлари ва инсон ҳақлари ҳимоячиларининг ҳисоботларидан шуни тахмин қилиш мумкинки, Ўзбекистонда СССРнинг 1930 йилларида бўлгани каби гумондорнинг айбдор эканининг асосий исботи иқроорий кўрсатмалар бўлиб қолмоқда, булар эса терговчиларнинг таҳдид ва қийноқлари остида олинади, деб ёзади “Независимая газета”.

bbc.uzbek

“Мен ҳар йили Тошкент шаҳрининг “Ёлонғоч” мавзесидаги “Мардикор бозор”га келиб ишлайман, – дейди олий ўқув юртлардан бирининг талабаси кашқадарёлик Фазлиддин.

Ишлаб топган пулларимни “контракт” учун тўлайман.

“МАРДИКОР БОЗОР” ҲАНГОМАЛАРИ

Бу бозорда барча вилоятлардан келган мардикорларни топса бўлади.

Булар ҳар қандай иш қилишга тайёр. Яқинда мен иш кутиб тургандим, 35-40 ёшлар атрофидаги иккита йигит келиб “иш бор, бориб, ўз кўзинг билан кўришинг керак, юр” дейишди. Мен улар билан бирга кетдим. Ҳамма томони чўл, овлоқ бир жойга бордик. “Киссангда бори-ни чиқар, чиқармасанг, шу ерда ўлдириб, гувоҳларсиз кўмиб кетамиз”, дейишди. Мен уларга қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлдим, биринчи йигит бўғзимга пичоқ тиради, иккинчиси киссамдаги “сотка” телефонимни, 50 минг сўм пулимни олди, устимдаги янги қўйлагим ва шимимни ҳам ечди, ўзининг кийимбошларини ечиб ташлаб, меникини кийиб олди, мени шу аснода қолдириб кетворишди...

Шундан сўнг мен Келесдаги ИИБга шикоят ариза билан мурожаат қилдим, аввалига шикоят аризамни олишмади, сўнг мендан уларнинг кўриниши тўғрисида суриштиришди, мен айтиб берганим бўйича иккита фоторобот тузилди. Орадан 2 кун ўтиб бўғзимга пичоқ тираган жиноятчи топилди, иккинчиси эса қаергадир қочиб кетган экан. ИИБдан топилган жиноятчи тўғрисида суриштирсам, олдин ҳам бир кишини пичоқлаб ўлдириб, қамоқда ўтириб чиққан экан. Кейин мен ИИБдан тўғри “Мардикор бозор”га келдим, иш кутдим, иш тезда топилавермаганидан сўнг, вақтинча яшаб турган квартирамга кетдим.

Эртаси куни бозорга келсам, ўртоқларим, “Тез бу ердан кет, сени “шимон” қилганлар ахтариб юришибди” дейишди. Мен ИИБга бориб, “Нега жиноятчини қўйиб юбордингизлар?” десам, “Улар Қозоғистон фуқаролари, биз уларга нисбатан чора кўролмаимиз”, дей-

ишди. Ноилож уйга қайтдим, 10 кун кўчага чиқмай ўтирдим. Мана бугун, оч-яланғоч қолганим туфайли, иш қидириб яна шу бозорга келдим”. Биз айрим туман, шаҳар ва вилоятлардан келган мардикорлар билан ҳам суҳбатлашдик.



Улар бизга қуйидаги ҳолат юзасидан гапириб беришди.

“ИИБнинг ходимлари келиб, “Хужжатингни кўрсат” деб баҳона қидиришади ва кўлимизда бор пулларимизни тортиб олишади. Агар пул бермасанг, ИИБга олиб боришиб, ҳибс қилишади. У ерда эса, “Эшматов Тошмат жиноят қилиб бизнинг кўлимизга тушди, у тўғрида бизга маълумот беринг”, деб вилоят, туман ва шаҳарларга телефон қилиб, биз тўғримизда маълумотлар йиғишади.

Маълумотлар йиғилгунча, бизга кўча супуриб тозалатишади ва яна бошқа нима иш бўлса қилдиришади. Вилоят, туман ва шаҳар “Меҳнат биржа”лари томонидан берилган, “Тошкент шаҳрида вақтинчалик ишлаш учун”, дейилган гувоҳномани кўрсатсак, “Бу биз учун бир тийинга қиммат, қани пулдан чўз!” деб ҳоли-жонимизга қўйишмайди. Мустақиллик байрами яқинлашяпти, шаҳарни “тозалаш” операциялари ўтказилмоқда, “Мардикор бозор”дан ишни бошлашади, бу оперативниклардан ким қочиб кутулса яхши, кўлга тушиб қолса, куни битди деяверинг. Улардан қочиб, кун бўйи Тошкент кўчаларида тентираб юрамиз, қаерга боришимизни ҳам, кимга арз қилишимизни ҳам билмаймиз.

Ишга олиб кетиб, ишлатганидан кейин ҳам ҳаққимизни бермайдиганлар ҳам кўп учрайди”, дейди мардикор йигитлар.

Мансуржон Фозилжонов

“БЕК-БАРАКА” ҚОРА НИҚОБЛИЛАР БОСҚИНИДАН КЕЙИН

2012 йилнинг 16 август куни “Бек-барака” бозори остин-устин қилинган эди. ИИВининг “Терроризмга қарши кураш” бўлими ўтказган мазкур операциясидан сўнг, биз “Бек-барака” бозорида яқка тадбиркорлик билан фаолият кўрсатиб келаётган фуқаролар билан суҳбатлашдик. Улардан бири Асадбек. Унинг сўзига қараганда: “Куни-кеча, “Бек-барака” бозорида юз берган ноҳуш воқеалардан сўнг, менинг яқин қариндошларимдан бири, шу бозорда савдо-сотик билан шуғулланувчи фуқаро Шерзоднинг оиласи келиб, ўзининг турмуш ўртоғини излаётганлиги ва унинг яқин қариндошларидан 10 киши Юқори Чирчиқ томонга олиб кетилганлигини айтди. Мен унга, “Бош прокуратура ва ИИВига бориб учрашгин, балки ўша жойдан топилиб қолар” дедим.

У бўлса, “Президент девони, Олий Мажлис ва Прокуратура органларига бориб турмуш ўртоғимни ва қариндошларимни сўриштирдим”. Аммо...

“Сизга бу масала юзасидан ҳеч қанақанги ёрдам кўрсатолмаймиз. Фақат “юқори”да ўтирган мансабдор шахслар билишади. Биз уларнинг ишларига аралаша олмаймиз” деб жавоб бердилар”, деди.

Бундан ташқари, ўша кунги, “операция”да “патгачи”лар ва бозор маъмурлари олиб кетилган. Қора ниқоблилар келмасидан бурун, аренда пулини тўлаш учун бозор маъмуриятига бориб учрашгандим. У ерда МХХ ва Солиқ идораларининг ходимлари ҳамкорликда текширув ўтказишаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Бу бозорда “ҳукумат” ўртасида бир неча ойдан буён, пул муаммоси пайдо бўлиб қолганлиги билдим. Шу муносабат билан бозор маъмуриятининг ходимлари бир ой ичида икки-уч марта ўзгартирилганлигини ҳам, гувоҳи бўлдим.

Мен бозорда ишлаётган ғазначидан, “кейинги вақтларда, нега “Бек-барака” бозорида тез-тез раҳбарлар ўзгартирилмоқда?” деб сўрагандим. “Улар ҳозирги кунда прокуратура органларида тергов беришмоқда.

Асосий гап Пул устида кетмоқда” деб жавоб берди.

(Давоми кейинги бетда)

“БЕК-БАРАКА” ҚОРА НИҚОБЛИЛАР БОСҚИНИДАН КЕЙИН

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Яна бир тадбиркор аёл, спорт товарларини сотувчиси, Шахнозанинг сўзига қараганда: “Бизнинг бозоримизда юз берган ҳолат, 3-4 кундан сўнг, Чилонзор туманига қарашли, «Солнечный канцтовар» бозорида ҳам юз берди. У ерда эса, фуқаролар билан бирга, товарлари ҳам қўшиб олиб кетилган. Ана-у “маска” остидаги «вор-закон» чилар томонидан. Бунақанги разиллик ҳеч бир мамлакатда бўлмаса керак...”

Худди шунингдек, “Бек-барака” бозорининг қарама-қарши томонида жойлашган, “Абу-Саҳий” бозорида яқка тадбиркор бўлиб ишлаб келаётган фуқаро Авазбекнинг сўзига қараганда эса, “Бек-барака” атрофида юз берган ҳолатни мен уч нарсага тақамочкиман.

Биринчи: И.Каримов, Туркия билан яхши муносабатда бўлиш учун, Анкаранинг “оёғ”ини яллашга ҳам тайёр! Чунки, турк бизнесменларига қарашли маблағлар тортиб олинганидан сўнг, ўша “ўлжа” прокуратура ва солиқ идоралари ўртасида талон-тарож қилинган. “Дода”нинг кизига эса, “мана шу ҳеми-ри, нарсалар бор экан...” деб ёлғон “сводка” беришган. Ўша “места”ни энди тўлдириш учун, биздаги тадбиркор фуқароларни “ов” қилишмоқдалар.

Иккинчидан: Гулнора Каримова, Швециядан ололмаган маблағини, Ўзбекистон бозорларидан ўмармоқчи. Чунки, бу бозорларда товар, хом-ашёлари асосан, Туркия, Саудия Арабистони ва Дубайдан олиб келинмоқда.

Учинчидан эса, энди, “ов” қилиш мавсуми, Ўзбекистон бозорларида “валюта” билан кун кечираётган, “тадбиркорлар”ни талон-тарож қилиш билан давом эттирилади. Агар эътибор берган бўлсангиз, “қора бозор”да долларнинг курси, бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, “реский” тушуб кетди. Мен шунга аминманки, “власть” устидан кураш аллақачон бошланган. Каримов, ҳар қанақанги пасткашлик бўлса ҳам, ҳукуматни ўз кўлида “ушлаб” туришни режалаштирмоқда. Лекин... Буни фақат вақт кўрсатади!”

Мансуржон Фозилжонов,
мустақил журналист

СУРҲОНДАРЁ МХХ ТЕРГОВЧИ ВА МУСУЛМОНЛАРНИ “СИНДИРИШДИ”!



Сурхондарё вилояти “Жиноий ишлар буйича суди”нинг судьяси Ўткир Тожиев бошчилигида 2012 йил 13 июнь куни 65/48 сонли, “ЖИНОИЙ ИШ” куриб чиқилган эди. Суднинг чиқарган ҳукмига кўра:

“Денов шаҳар, А.Темур кўчасида яшовчи фуқаролар Ҳамидулла Раббиев, Машраб Раббиев, Комил Азимуродов, Шерали Соатмуродов ва Сирожиддин Ҳўжамқуловлар, ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159, 244 моддаларига ҳилоф равишда жиноят содир этганлар. Ҳусусан, улар ўзларининг “Ҳизбут-Таҳрир” партиясига аъзоликка “даъват” этиш мақсадида, Денов, Узун, Сарийосиё, Олтинсой туманларида яшовчи фуқароларни, аъзоликка очикдан-очик қабул қилишганлар. Ушбу партиянинг раҳбари эса, Сарийосиё туманида яшовчи фуқаро Раҳмонқул Маҳмадиёров тайинланган бўлиб, у ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК ва ЖПКнинг бир нечта моддаларини содир этганликда айбланмоқда. Бундан ташқари, фуқаро Раҳмонқул Маҳмадиёровнинг уй-жойи Сарийосиё тумани ИИБи терговчиси Ҳамид Нарзуллаев бошчилигида тинтув қилинганда, “Ҳизбут-Таҳрир” варақалари, аудио ва дисклар топилган. Бироқ...

“Сарийосиё ИИБининг терговчиси Ҳамид Нарзуллаев бошчилигида фуқаро Раҳмонқул Маҳмадиёровнинг доимий яшаб келаётган, “Мустақиллик” кўчасида жойлашган уй-жойи тинтув қилинган вақтда ИИБининг терговчиси Ҳамид Нарзуллаев ўз ишига совуққонлик билан қараганли туфайли, олинган далилий-ашёлар “далолатнома”лардан атайлаб тушуриб қолдирилганлиги яъни судланувчи Раҳмонқул Маҳмадиёров билан ўзаро жиноий тил бириктирилганли аниқланган.

Худди шунингдек, Сурхондарё вилояти МХХнинг ходимлари томонидан суруштирув “Баённомаси”да қайд қилинганидек, “Ҳамид Нарзуллаев, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 1-қисмини содир этганлиги яъни, 1700 (бир минг етти юз Америка Қўшма Штатларининг) доллари миқдорида пора олганликда айбланиб, у ўзи содир этган жиноятига шерикчилик қилганлик айбига иқрорлик билдирган.

Ҳусусан, унинг Сурхондарё вилояти МХХнинг раҳбариятига ва Сурхондарё вилояти МХХнинг терговчиси Нодир Эшонқулов номларига берилган “тушунтириш хат”ида — “...ўзимнинг мансаб ваколатимдан фойдаланиб, жиноятни яшириш мақсадида, олинган далилий ҳужжатларни атайлаб, яширганлигимни тан оламан. Фуқаро Раҳмонқул Маҳмадиёровдан 1700 А.Қ.Ш. доллари миқдорида пора талаб қилганлигимни ҳам, яширмайман...” деб кўрсатган. Суд юқоридаги фактлар ва далилий ҳужжатларга таянган ҳолда, Сарийосиё ИИБининг терговчи вазифини бажариб келган, Ҳамидулла Нарзуллаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210, 205 ва 208 моддаларини содир этганлиги ҳисобга олинсин ва Ҳамидулла Нарзуллаевага нисбатан 12 йил озодликдан маҳрум этиш белгилансин. Бундан ташқари, юқорида исми шарифи келтирилган Денов шаҳрида яшовчи фуқаролар Ҳамидулла Раббиев, Машраб Раббиев, Комил Азимуродов, Шерали Соатмуродов ва Сирожиддин Ҳўжамқуловлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159, 244 моддаларига асосланиб, 10-15 йилга узоқ муддатга ўта оғир “каллона”ларда жазони ўташ муддати белгилансин ва озодликдан маҳрум этилсинлар...”

“Ҳизбут-Таҳрир” партиясининг раҳбари Раҳмонқул Маҳмадиёров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159 ва 244 моддаларига асосланиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этилсин. Унинг ҳар бир куни бир кун муддатида ҳисоблансин ва узоқ муддатга ўта оғир жазони ўташ белгилансин...” деб кўрсатилмоқда!

Суд ҳукмида шун хулосага келиш мумкин-ки, Ўзбекистонда сиёсий “айб”лар билан қамоққа олиш ва уни ижросини таъминлаш судьяларнинг нечоғли “мустақил” эканлигига амин бўласан киши...

Мансуржон Фозилжонов

АҚШда яшаб ижод қилувчи асли ўзбекистонлик rassom Сергей Игнатъев ўзининг бир серия асарларини Ўзбекистон қамоқхоналаридан яширинча олиб чиқилган мактубларга бағишлаган. “Ижод ва инсон ҳақлари” дея номланган лойиҳанинг муаллифи бўлган rassom келгуси ойларда бу асарларини дунё бўйлаб кўргазмага қўйишни режалаяпти. Улар аввало Перуда, сўнг Бельгия ва Францияда кўргазмага қўйилади. Игнатъев чизган расмларда ўзбек қамоқхоналарида дахшатли қийноқларга солинган тутқунларнинг ички дунёси акс этади. Сергей Игнатъев Ўзбекистонда Театр ва rassomчилик институти ва Биньков номидаги rassomчилик билим юртини тамомлаган. 1988 йилда Ўзбекистонни тарк этишидан аввал у Театр ва rassomчилик институтида дарс берган. Ўзбекистондан кетишига қайта қуриш йилларида протест арт соҳасида юритган фаолияти, хусусан собиқ КГБ биноси қаршисида уюштирган кўча кўргазмалари учун қилинган тазийқлар, ҳамда Rassomлар уюшмасидан ҳайдалиши сабаб бўлган.

Би-би-си ундан аввало маҳбуслар хатлари унинг қўлига қандай тушиб қолганини сўради. Игнатъев: Марказий Осиёдаги инсон ҳуқуқлари уюшмаси ўз архивидаги бу мактубларни менга бериб турди. Ҳар бир мактубнинг ўзига яраша уникал тарихи бор, чунки бу мактубларнинг баъзилари қамоқдан одамларнинг қорни ичида, ва бошқа тана қисмларида олиб чиқилган. Бу мактубни ёзган тутқунлардан ташқари, бу хатларнинг ўзи ҳам қийин кунларни бошидан кечирганлар. Биз уларни жамлаб, иллюстрациялар билан бир китоб қилиб чиқариш устида ишляймиз. Бу хатлар муаллифларини ошкор қила олмаймиз, чунки улар ҳали ҳам панжара ортида ўтиришибди. Фақат қайси қамоқдан олиб чиқилганини ошкор қиламиз.

Би-би-си: Нималар ҳақида ёзади бу тутқунлар? Игнатъев: Масалан, бир таъсирли, кичик ҳикояни айтиб берсам. Бир маҳбуснинг олдига ўзининг 80 ёшар онасидан ташқари ҳеч кимни кириштирмаган. Лекин, онахоннинг хотираси яхши бўлмагани учун, маҳбус ўз онасининг тиззасидан тепасига, яъни сонига сиёх билан хат ёзган.



ЎЗБЕК МАҲБУСЛАР МАКТУБЛАРИ АКС ЭТГАН РАСМЛАР КЎРGAЗMАСИ



Чунки онахон ўғли ташқарига қандай хабар етказмоқчи бўлганини хотирасида сақлай олмаган. Лекин, онахон қамоқдан чиқиб кетаётганда, уни тутиб, гинекология креслосига ўтказиб, ацетон билан бутун хатни оёғидан ўчириб ташлашган. Она кўп йиғлаган. Тасаввур қилинг, қандай умидсизлик, ўзбек бўла туриб, ўз онанг сонига хат ёзсанг... Бунга ўхшаш ҳикоялар кўп. Маҳбуслар қамоқда уларга бир парча гўштдек муносабат қилишларини ёзадилар. Уларга ҳар куни “сен бир тирик гўштсан” деган гаплар уқтирилади. Айниқса, диний маҳбусларга жуда қийин. Менинг “Бир парча гўшт” номли картинада инсоннинг инсонийлиги буткул йўқ қилиниб, унинг ҳайвонга айлантирилгани акс этади. Маҳбуслар хатларида жуда шафқатсиз, садистларча муносабат ҳақида, кўп жинсий зўрланганлари, мурч билан, дубинка билан зўрланганларини ёзадилар. Менимча, бугунда ўзбек қамоқхоналарида кашф қилинаётган қийноқ турлари Маркизде Саднинг етти уҳлаб, тушига ҳам қирмаган бўларди.

Би-би-си: Бу мактублар сизнинг асарларингизда қандай акс этади? Нималарни чизасиз уларни ўқигандан сўнг?

Игнатъев: Биласизми, мен бево-сита бу қийноқларни чизганим йўқ. Менга кўпроқ бу инсоннинг қалбидаги ҳиссиётлари ва руҳий ҳолати қизиқроқ. Масалан, “Ўғит” деб номланган бир картинада ҳақида гапирсам, қамоқда кўпгина қийноққа солинган одамлар қийноқ оқибатида ўлиб қолишганида, уларни юқори вольтли кабеллар остида номаълум жойларга кўмиб ташлашган. Бу одамларни инсон эмас, бир ўғитдек кўмишган. Инсонни бир парча гўштга айлантириш, уни уриб-йикитиб кейин футболдек тепиш, ким оёғи билан бутананинг қайси қисмига тепа олиши бўйича мусобақалар ўтказиш, бу ёввойилик. Бу ерда нафақат маҳбуслар ёввойилашади, балки кўриқчиларнинг ўзи ҳам. Улар ҳайвондан ҳам ёмон махлуқларга айланадилар.

Мана шу каби психологик ҳолатлари менга қизиқ бўлган. Мен буни аллегория тарзида етказиб бераман, яъни бево-сита ичак-чавоқларни ё конни намойиш қилмайман. Бу мактубларни ўқиб, мен ҳар хил ҳолатга тушганман. Масалан, бирида маҳбус ўзини ўлдириб истаги ҳақида ёзади. Бошқаларда эса қандай бўлмасин омон қолиш истаги. Лекин, уларнинг ўзлари энди ҳаёт барибир аввалгидек бўлмайди деб ёзишади, чунки уларнинг дунёқараши бутунлай ўзгарган. “Биз бир пода қўймиз, ишга подадек ҳайдашади. Ички дунё ҳақида унутинг, фақат омон қолиш ягона мақсад” деб ёзади улар. Би-би-си: Кўп rassomларни гўзал табиат, денгиз ё қиру-адирлар, ё аёл бадани илҳомлантиради. Сизни нима учун қийноқлар мавзуси илҳомлантирди?

Игнатъев: Инсоннинг психологик портрети менга қизиқроқ. Биласизми, ҳамма асарлар билан ҳам уйни бе-заб бўлмайди. “Волгадаги бурлоқлар”ни ётоқхонангизга оса олмайсиз.

Шунинг учун айтмоқчиман, менга уйни бе-затишдан қўра, руҳий дунёни тасвирлаш қизиқроқ. Инсоннинг ички дунёси, оғриқлар, ҳиссиётлар мавзусини мен ҳар доим афзал кўрганман. Бир диван устида чиройли осилиб турсин деб расм чизмайман. Би-би-си: Ўзи rassomлик, умуман, ижод ва санъат инсон ҳақлари ё протест мавзусига қанчалар яқин? Улар бир-бирига боғлиқми?

Игнатъев: Жуда ҳам яқин боғлиқ. Мана, Ўзбекистонда rassomларга ўз ўйи ва фикридагини қоғозга тушириш ман этилган.

Фақат чиройли манзалар ва ҳоказога руҳсат бор. Масалан, қатор rassom танишларим Андижон жожеасига бағишлаб бир серия картиналарни кўргазмага қўймоқчи бўлганлар. Уларга оқичқа таҳдид қилинган, “Болалар, бу кўргазма қўйилиши билан, онангизни Учқўрғондан кўрасиз” деб. Ўзлингизни изҳор қилиш ва бу дунёда ниманидир ўзгартиришга имкон йўқ у ерда. Менга таниш карикатурачилар Ислон Каримов ёки унинг оиласига боғлиқ карикатуриларни чизишган, лекин ҳатто ўз яқин дўстларига кўрсатишга қўрқадилар. Жуда қизиқ, кучли сиёсий плакатлар бор. Бир rassom танишим менга “Агар бу карикатуриани чизсам, кейинги чизаганим қамоқхонадаги наколка бўлади” деди. Мен Ўзбекистонда бўлган ана шу мустақил rassomларнинг асарларини кўргазмага қўйиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари уюшмаси билан ишляймиз.

(Би-би-си)

Мана 23 йилдир Ўзбекистон Бош Золими сифатида фаолият кўрсатиб келаясиз. Сизни яқин тарихнинг энг ғаддор давлат раҳбарларидан Иосиф Сталинга ўхшатишга ўзбек халқи албатта ҳақлидир. Шунинг учун ҳам бу таъзиянинг давомида сизга Золим Каримов-“Сталин”!, дея мурожаат қиламиз. Золим Каримов-“Сталин”!

Сиз яхши биласизки, аслида сиз Ўзбекистоннинг мустақиллигига қарши эдингиз. 1990 йилда СССРни сақлаб



ДИКТАТОР КАРИМОВ-“СТАЛИН”ГА МУСТАҚУЛЛИК ТАЪЗИЯСИ

қолиш учун ўтказилган референдумда халқимизни бу империя таркибида қолишга мажбурлаганингизни, унда ўзбек халқининг 90 % кўпроғи СССРни ёқлаб овоз берди, дея ёлгон хулоса билан Москвага лаганбордирлик қилганингизни, 1991 йил ГКЧП эълон қилинган кунларда унинг чақирғини тўлиқ қўллаб қувватлаганингизни ҳали халқимиз унутгани йўқ. Аммо сиз шайтоний ҳийлалар билан Горбачев берадиган жазодан қутулиш ва фақатгина ҳокимиятни ўз қўлингизда ушлаб қолиш учун Ўзбекистонни мустақил, деб эълон қилдингиз. Ўша йилларда Ўзбекистон мустақил бўлсин, дея жон куйдирган муҳолифат вакилларининг овозини ўчириш учун бутун ҳунарингизни ишга солдингиз, ЭРК партияси тайёрлаган Мустақиллик декларациясини қабул қилдирмаслик учун бутун ҳийла ҳунарингизни кўрсатдингиз. Аммо тарихий жараёнлар сизнинг чўтир юзингизга тарсақчи тортиб юборди ва сиз чор ночор Ўзбекистон Мустақиллигини эълон қилишга мажбур бўлдингиз. Золим Каримов-“Сталин”! Мустақил Ўзбекистонга мустақил фикрлайдиган ва ҳаётнинг бутун соҳаларида ташаббус эгаси бўлган ватан фарзандлари раҳбарлик қилиш керак эди. Аммо сизнинг ҳавойи нафсингиз бунга йўл қўймади. Сиз агар эркинлик, адолат ва ҳуқуқ тантана қиладиган бўлса, ўзингизнинг кераксиз ахлат тўрваси каби четга отилишингизни жуда яхши билардингиз. Шунинг учун ҳам мустақил ватанимизда қилган илк сиёсатингиз эркин ва мустақил фикрлайдиган муҳолифат вакиллари сиёсат саҳнасида йўқ қилиш бўлди. Шу тарзда расман рўйхатдан ўтган ЭРК партияси ва Бирлик ҳаракатининг фаолиятларини ноқонуний равишда таъқиқладингиз. Муҳолифат аъзоларининг баъзиларини қамоққа тикдингиз, баъзиларини ўлдирдингиз, баъзиларини эса сургунга қувдингиз. Шу шаклда муҳолифатдан қутулган кейин аслида сиз ўзингизнинг сиёсатингизни амалга ошириш учун фурсатга эга бўлган эдингиз. Аммо бутун фожеа шундан иборат эдики, сизнинг Ўзбекистондек мустақил давлатини бошқариш ва унда зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш учун ҳеч бир дастурингиз ва сиёсатингиз йўқ эди. Сизнинг фожеангиз ҳам аслида шундадир. Чунки сиз жоҳил, қотиб қолган коммунистик сиёсатдан бошқа нарсани билмайдиган, ахлоксиз, муштумзўр золим “сиёсатчи”сиз. Аслида сиёсатчи

эмассиз. Бунинг ўзингиз мен сиёсатчи эмас, иқтисодчиман, дея иқрор ҳам қилган эдингиз. Сиёсатчи бўлмасангиз давлат ҳокимиятнинг бошида нима ишингиз бор эди.? Иқтисодчиман дейсиз, аммо мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг йўқ қилиниши сизнинг иқтисодчи сифатида ҳам лаёқатсиз раҳбар эканлигингизни кўрсатди. Сиз бир неча маҳаллий ва байналминал корхона, стадион куриш, кўчаларни кенгайтиришни иқтисоднинг ислохоти деб билдингиз. Аслида эса бу соҳани ислох қилиш эркинлик, деган улуғ кадриятга боғлиқ эди. Яъни, инсонларга тадбиркорлик, тижорат, саёҳат, фермерлик, ўзи истаган корхонани очиб ва ўзи истаган мол мулкни сотиш ва сотиб олиш эркинлиги бермасдан иқтисод соҳасининг ислох қилишининг имкони йўқ эди. Сиз фақатгина мана шу имконсизликни бажардингиз, яъни Ўзбекистон иқтисодиётини йўққа чиқардингиз. Натижада 5 миллион фуқаро Ўзбекистондан қочиб, дунёда дарбадар бўлди. Халқимизни эса бир бурда нонга зор қилдингиз... Золим Каримов-“Сталин”! Сиз сиёсатчи ва давлат бошқарувини билмаслигингизни яшириш учун яна халқимизни жазолантиришга қарор бердингиз. Бу мақсадда энди мусулмонларнинг ёқасига ёпишдингиз. Уларни радикал ва террорист, дея прорпаганда машингизни ишлатдингиз. Бу билан чегараланиб қолмасдан, 1999 йилда Тошкентда портлашлар ташкил қилдингиз. Ва буни муҳолифлар ва мусулмонларга юкламоқчи бўлдингиз. Бу фитнангизнинг сири кўп ўтмасдан маълум бўлди. Мақсадингиз яқинлашиб қолган сайловларни кўзбўямачилик билан ўтказиб олиш экан. Шу шаклда сохта референдумлар ва сайловлар ўтказдингиз. Ва ҳеч уялмасдан Президентлик курсида гўдайдийб ўтиришга давом эттингиз. Золим Каримов-“Сталин”! Ҳаёт шу шаклда давом этди. Ўзбекистон давлати ва халқи сизнинг зулмингизга чор ночор чидашга рози бўлди. 2000 йилларнинг бошланишига келиб, сиз Ўзбекистонни ўз қамоқхонангизга айлантириб улгурдингиз. Бу давлат қамоқхонанинг рамзи бўлган “Жаслик” концлагерини курдингиз. Бу қамоқхонангизда инсонни даҳшатга соладиган қийноқ усуллари билан муҳолифларни, шу жумладан мусулмонларни ҳам ўтда ёқдингиз, сувда қайнатиб ўлдирдингиз, уларга жинсий тажовуз қилдингиз (ёки қилдирдингиз), номус ва шарафларини

ерга урдингиз. Аммо йиллар шамол каби учиб ўтар, сизнинг ўғрилиқ билан киритган Президентлик муддатингиз яна тугаб бормоқда эди. Зудлик билан яна бир фитна уюштириш ва ўзингизни Ўзбекистоннинг қаҳрамон Президенти, дея эълон қилишингиз керак эди. Шу тарзда 2005 йилда Андижон қатлиомини амалга оширддингиз. Бунинг учун чаласавод “акромийлар” гуруҳининг сиёсий онгсизлиги ва тажрибасизлигидан фойдаландингиз.

Золим Каримов-“Сталин”! Шу шаклда сиз яна уят ва ҳаёни йиғиштириб, 2007 йилда қайтадан Президентликка “сайландингиз”. Бу марта ваколатларингизни етти йиллик, дея эълон қилдингиз. Аммо инсонларимизнинг сизга на ишончи, на да ҳурмати қолмаганди. Зеро, сиз мустақил фикрлайдиган ва ташаббус соҳиби бўлган барчани йўқ қилиб бўлгандингиз. Матбуотни ўлдирган, ижодкорларнинг овозини ўчирган, адабиёт ва санъатни қаҳрингизни қабрисониға кўмган эдингиз. Мустақилликнинг 20 йилида ўз бошингизга тантана қилиб, Мустақиллик майдонида рақсга тушдингиз. Сизни қароқчиларингиз ҳисобланадиган МХХ, Прокуратура ва милиция раҳбарларидан бошқа ҳеч ким олқишламади. Халқимизнинг сизни, сизнинг эса халқимизни қўришга қўзингиз йўқлиги яқинда Тошкентда чала чулпа битирилган объектларни қабул қилиб олгангизда маълум бўлиб қолди. Хувиллаган стадионга чўтир юзингиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Чунки сиз инсон зотини севмайсиз, халқимизнинг кадриятларини бир пулга олмайсиз, ҳуллас ўзбек халқи сизга, сиз эса ўзбек халқига бегонасиз! Золим Каримов-“Сталин”! Сўнгги вақтларда нима қилишингизни билмай (чунки сиз ҳақиқатан ҳам давлатни қандай бошқаришни билмайсиз) Ўзбекистонга келган чет эл сармоядорларига ёпиша бошладингиз. Шу шаклда МТС Узробита ширкатини талаб тугатдингиз. Зерикашингиз бу билан чегараланмай, ёнигиздаги раҳбарларнинг шўрини қуритишни бошладингиз. Улардан баъзиларини ўлдирдингиз, баъзиларини қамоққа тикдингиз. Яна қандай бадбахтлик қилсам экан, дея ўйладингиз ва ниҳоят кизингизни, яъни ахлоқи ўзингиздан минг марта багтар бўлган Гулнорани Республикада реклама қилиб бошладингиз. Бу билан гўё мен ўлсам ҳам бирибиз ўзбек халқи мендан қутула олмайди, демоқчи бўлмоқдасиз... Ҳуллас, сиз мустақил Ўзбекистонни қуллар маконига айлантирддингиз. Шунинг учун ҳам бу байрам эмас, сиз қатл қилган эркинлик ва адолатнинг, халқимизнинг ташаббуси ва яхши ниятларининг қатли ва бу мактуб ушбу қатл туфайли ёзилган таъзиядир. Ўзбекистонда ушбу таъзияни қабул қилиб оладиган одам қолдирмагангиз учун ҳам уни сизга юбораёпмиз. Сизнинг халқимизнинг ва давлатмизнинг бошидан энг қисқа муддатда даф бўлишингизни тилаб қоламиз!

Абдурахмон Мухаммад

ЗУЛМ-ЛА СИНАЛГАН УСТОЗЛАРНИ ЭСЛАБ...



Горбачевнинг ошкоралик ва демократия сиёсати ўзбек халқига диний жабҳада ҳам янги лидерларни олиб келди. Бу етмиш йиллик даҳрийлик давридан чиққан халқ учун қутилмаган ҳол эди. Шунчалик динга қарши ҳаракатлар бўлса-да, барибир диний илмдан хабардор кишилар, оз бўлса-да сақланиб қолган эди. Ва Ошкоралик даврида улар ҳам масжидларга имом бўлишди. Ва давлат тасарруфидаги имомлардан фарқли ўлароқ ислом ҳақиқатини бузмасдан халққа етказа бошладилар. Уларнинг халқ орасидаги обрўлари ошиб борди. Халқ ҳукуматни мақтаб дуо қиладиган имомларгамас балки, даҳрийларнинг етмиш йиллик тазйиқ сиёсатини танқид қиладиган айнан мана шундай ҳолис имомлар ортидан эргаша бошлашди.

Мана шу имомларнинг улуғларидан бири Андижон Жомеъ масжиди имоми Абдували Қори Мирзаев эди. У киши 1995 йил 29 Августда ҳамроҳи Рамазон Маткаримов билан бирга Тошкент Аэропортида ўзбек режими МХХси тарафидан ўғирлаб кетилди. Ва ҳалигача дом-дараксиз.

Унинг яқин маслақдоши бўлган Қўқон Жомеъ масжиди имоми Муҳаммад Ражаб Қори 1993 йилда қамоққа олинган ва 19 йилдан бери ҳар қандай қонунқоидаларга зид равишда турли туман турмаларда ушлаб турилбди. Аллоҳ нажот берсин.

Абдували Қори Мирзаевга яқин кишилардан яна бири Намангандаги Гумбаз масжидининг имоми Абдулаҳад Қори эди. У киши авалига 17 йилга қамалди. Кейин озодликга чиқиб, икки йил бўлди яна узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Аллоҳ нажот берсин.

Ўзбекистонда “Ислом уйғониш партияси”ни тузишга уринган Абдуллоҳ Ўтаев 1993 йилдан бери МХХ тарафидан ўғирлаб кетилган ва ҳалигача дом-дараксиз. Аллоҳ нажот берсин.

Шунингдек, динини дунёга сотмаган ҳолис имомлардан яна бири Тошкентдаги Тўхтабойвачча масжиди имоми Обид Қори Назаров 1998 йил имомликдан бўшатилади. Ва тазйиқларга учраб, яшириниб яшашга мажбур бўлди. 2000 йилда Қозоғистон ҳудудига ўтиб яшириниб яшган. 2004 йилда уни тўнғич ўғли Хусниддин Назаров МХХ томонидан ўғирлаб кетилди. Отасини ушлолмаган МХХ шу тариқа ўғлини ўғирлаб, отасидан ўч олди гўё. 2006 йилда Обид қори Швецияда сиёсий бошпана олиб, яшай бошлади.

2012 йил 22 феввалида МХХ ёллаган қотил тарафидан суиқасдга учради. Аллоҳ шифо берсин.

Бу йил 23 сентябрда Ивановда яшовчи биродаримиз Фуад Шокирий ҳам МХХ тарафидан ўлдириб кетилганига бир йил тўлади. Булардан ташқари, Ўзбекистон турмаларида минглаб биродарларимиз зулм остида ўтиришибди. Қанчалари зулм остида ўлиб кетди.

Қанча минглаб хорижга турли мамлакатларга қочишга мажбур бўлишди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон мустақил бўлганига қувониб, энди ўз динимизга бемалол амал қила оламиз деб хурсанд бўлишганди. Улар мустақиллик даврида даҳрийлар давридагидан ҳам баттарроқ зулмга дучор бўламиз деб ўйламаганди. Аммо, мустақиллик улар кутган диний эркинликни бермади.

Даҳрийлар мактаби таълимини олган ИАК зулму-зўравонликда Сталинга тенглашди. Унинг 21 йиллик юритган мустақил сиёсати халқимизни ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жар ёқасига олиб келиб қўйди.

Албатта, зулм мангу эмас. ИАКдан аввал ҳам золимлар бўлган. Ва яқинда ИАК даври ҳам ўтмишга айланади. Унинг қизлари ва атрофидагилар қилмишларига яраша жазо олажаклар.

Аллоҳ Таоло Нахл сураси 126 оятада шундай марҳамат қилади:

“Агар уларга иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, у сабр қилгувчилар учун хайрлидир”.

Яъни, ўша золим кимсаларга улар мусулмонларга қилгани каби жазо беришга шаръан рухсат берилди. Лекин, биз улар каби ўғирлаб кетиб ертўлаларга яшириб қўя олмаймиз. Ва улар каби турмаларда намоз ўқиганни уриб ҳақорат қилмаймиз. Аммо, улар каби, турмаларда йиллаб ўтиришларини таъминлай оламиз иншааллоҳ. Бу қасд истаганлар учун шаръий рухсатдир.

Лекин кимки сабр қилиб кечирса, бу ҳам унинг ҳаққидир. Ва олийжанобликдир!

Биз золим кимсаларни мана шу кунлар келиши олдидан яна бир огоҳлантираяпмиз.

Шу оятнинг давомида Аллоҳ Таоло айтади:

“Сабр қил, сенинг сабринг фақат Аллоҳ ила бўлур. Улар(ҳоли)га хафа бўлма. Улар қилаётган макрдан сиқилма. Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва гўзал ишлар қилганлар биландир”. (Нахл сураси 127-128-оятлар).

Биз ўша биродарларимизнинг аҳволига албатта ачинамиз, ва уларга Аллоҳдан нажот сўраб дуолар қиламиз. Ва бу оятларга асосан, уларни Аллоҳнинг ҳифзи ҳимоясида ва Аллоҳ улар биргадир ва уларнинг қалблари Аллоҳ тарафидан келадиган сакинат оромдадир, деб умид қиламиз. Золим кимсаларга эса, албатта, Аллоҳнинг қўйган муддати келади деб умид қиламиз.

Албатта Аллоҳ золимларни севмайди.

М. Абутов.

Истанбулнинг Қумқапи депортация марказида тутиб турилган айрим ўзбекистонликлар Туркия расмийлари томонидан озод қилинди, айримларига эса ҳали ҳам депортация хавф солмоқда.

Ўзбекистонлик Бахтиёр Алимовнинг Қумқапи депортация марказидан чиқиб, Туркия шаҳарларидан бирида ерлашганига кўп бўлгани йўқ.

мусулмонларга нисбатан адоватга ўхшаш кайфиятни кузатиш мумкин. - “Диско” дан тутилган аёллару бошқасио ўғрилар – бу кимсалар тўрт марта-беш марта лаб келиб, яна чиқиб кетаяпти бу ердан. Мусулмонларга нисбатан бир фикри йўқлигини кузатайман буларнинг. Яъни бу ерда ўғри ёки ёмон ишлар билан юрган инсонларнинг обрўси каттароққа ўхшайди. Шу биз ёзган илтижони

Аслида Каримов Туркиядаги ва Европадаги ҳаракатлардан хавотирга тушиб қолаётгани ва яқин орада тахтдан қулашини англаётганига ўхшашпти, – дер экан Одам Чевик бунга 10 йилдан буён Туркия расмийлари билан мулоқотдан қочиб юрган Ислоҳ Каримовнинг бу йил бош вазира Ражаб Тоййиб Эрдўғонни Рамазон ойи билан қутлаганини мисол келтирди.

ИСТАНБУЛ ДЕПОРТАЦИЯ МАРКАЗИДА ҚОЛАЁТГАН ИККИ ЎЗБЕК ОЗОД БЎЛДИ



Суҳбатдошимиз 5 май куни Украинадан Истанбулга учиб келган пайтда аэропортда ушлаб қолинган, бу ерда икки ойдан кўпроқ тутиб турилганидан кейин Қумқапи депортация маркази ўтказилган экан.

Қумқапида 1 ойдан кўпроқ тутилган Бахтиёр Алимов у ердаги масъул кишилар ўзига нисбатан яхши муомалада бўлганини айтади.

- Агар ўзингиз яхши бўлсангиз, сизга ҳам муомала яхши бўлади.

Озодлик: Уруш-сўқиш, ҳақоратлар бўлдимми сизларга нисбатан?

- Йўқ, бунақа нарсалар йўқ. Бунақаси Ўзбекистонда бўлиши мумкин, бу ерда эса унақа нарсалар йўқ эди, – дер экан Бахтиёр Алимов Қумқапидаги ягона муаммо депортация марказининг санитария ҳолати билан боғлиқ эканини айтди ва у ерда бит-кана сероб эканидан шикоят қилди.

Суҳбатдошимизга кўра, у ватанида ўзи ва болаларининг динига, келажига таҳдид кўргани туфайли Ўзбекистонни тарк этишга мажбур бўлган ва турк расмийларидан бошпана сўраган.

Бахтиёр ака ибодатга ружуъси туфайли 1998 йилда ўзбек расмийларининг “қора рўйхат”ига тушган экан.

Бахтиёр Алимов билан биргаликда ўзбекистонлик Ботир Қодиров ҳам Қумқапи депортация марказидан чиқарилган.

Айни пайтда ҳали ҳам Қумқапида қолаётган ўшлик Мухаммадали Абдурахмонов фикрича, бу ерда

(шикоят хати демокчи – таҳр.) ёзаяпти – чиқиб кетаяпти яна. Баъзилар тўрт марта келди тўққиз ойнинг ичида – мен бу ерда кўраяман. Баъзи СПИД касаллигига чалинган аёлларни ҳам чиқариб юбораверди, – дейди 9 ойдан буён Қумқапи депортация марказида қолаётган Мухаммадали Абдурахмонов. Хаста аёли билан Қумқапи ўтиришга мажбур бўлаётганини айтган суҳбатдошимиз 2010 йил июнида Қирғизистон жанубида содир бўлган этник зўравонликлардан кейин туғилган юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган экан. Эндиликда у Туркия расмийлари ўзи ва рафикасининг илтижосини қабул қилиб, уларга бошпана беришига умид қилаяпти.

“Мухаммадали Абдурахмонов ва аёли Фотима Абдурахмоновдан ташқари Қумқапида қолаётган ўзбекистонлик Шохмурод Қосимовга ҳам депортация хавф солаяпти”, дейди Истанбулда фаолият кўрсатувчи “Ўзбеклар бирлиги” ташкилоти раҳбари Одам Чевик.

- Спектаклга ўхшаган маҳкамаларда Ўзбекистондаги конституциявий тузумга тажовуз қилганлик айблови билан прокурор Шохмурод Қосимовнинг Ўзбекистонга депортация қилиниши талаб қилаяпти. Бу билан Туркия суди, Туркия ҳукумати Ўзбекистондаги диктаторга ёрдам бераётгандек бўлаяпти. Биз Туркия ҳукуматининг бу хатодан воз кечишини истаймиз.

Одам Чевик мулоҳазасича, Каримовнинг бу қутлов орқали мулоқотни бошладан мақсади Туркия расмийларининг ўзбек муҳолифатини қўллаб-қувватламаслигини истаётганида намоён бўлади.

Айни пайтда “Ўзбеклар бирлиги” раҳбари бунга жавобан ўз ташкилоти бошчилигидаги 20 га яқин ташкилот мамлакат мустақиллиги нишонланадиган 1 сентябр куни Ўзбекистон элчихоналари ва консулхоналари қаршиида Ислоҳ Каримов истеъфосини талаб қилиб, намойиш ўтказажанини билдирди.

- Август ойининг 30-куни Эрон президенти қотил Ассадни (Сурия президенти Башар Ассад назарда тутилмоқда – таҳр.) қўллаб-қувватлаётгани учун унга бир мактуб тақдим қиламиз. 1 сентябрда эса Ўзбекистон президенти, диктатор Каримовга етказилиши учун “сиз инсониятга қарши уруш очибсиз, бу фикрингиздан қайтинг, истеъфога чиқинг, зотан сиз йўқ ҳукмидасиз, чунки Ўзбекистон конституциясига кўра, президент икки муддатдан ортиқ сайлана олмайди, аммо сиз 23 йилдан буён қонунга хилоф равишда президентлик қилаяпсиз” мазмунида бир мактуб тақдим қилмоқчимиз. Шунинг баробарида, ўзбекистонлик элчилар ва консулларга ҳам Каримов қилаётган жиноятларга шерик бўлмаслик учун истеъфога чиқишни тақлиф қиламиз, – деди Одам Чевик. “Ўзбеклар бирлиги” ташкилоти раҳбари, шунингдек, яқинда Сурия аъзолигини вақтинча тўхтатган Ислоҳ Ҳамкорлик Ташкилотига ҳам Ўзбекистондаги аҳвол бўйича мактуб хозирланаётганини қўшимча қилди. Одам Чевикнинг айтишича, мактубда мусулмонларга зуғум ўтказилаётган Ўзбекистонни Ислоҳ Ҳамкорлик Ташкилоти аъзолигидан чиқариш тақлифи акс этади. Ўз сўзи сўнгида “Ўзбеклар бирлиги” ташкилоти раҳбари Одам Чевик Қумқапи депортация марказида қолаётган ўзбек асли мусулмонларнинг тез орада у ердан чиқиб, хотиржам ҳаёт кечири бошлашларига умид билдирди.

МАВЖУД ДЕМОКРАТИЯ БУ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИР ЭМАС



Демократия + Озодлик = Натижасизликми?

Токи XXI асргача биз бир фикрга ишониб келдик: “Золим ҳукмдорлар қудратдан кетказилса ва демократия йўлидан борсак, хуррият ва эркинликка эришамиз”.

Назаримизда, демократик ва эркинлик эгизак тушунчалар эди.

Бу тушунчаларни рўқач қилган Ғарб мана ҳозиргача Афғонистон, Ливия ва Ироққа ўз демократиясини ўтказиш ва ўрнатишга уринмоқда.

Тарихга назар ташласак, XX асргача яшаган донишманд ва сиёсатчилар “Демократия асло эркинлик, деган гапни англамайди, балки шахс озодлигини чеклайди” – деб ўйлашган.

Масалан XIX асрда яшаган либерал Жон Стюарт Милл бутун умр демократия учун курашган. Аммо уни бир нарса хавотирга солган: Демократия шароитида кўпчилик овозига эришган ҳукуматлар бемалол кўпчилик номидан иш тутиб, шахсий эркинликларни бўғиб бошлашади.

Файласуф Миллнинг тутинган ўғли Бертранд Рассел эса II Жаҳон Урушидан кейинги Британия анча демократик бўлганини қайд этади, аммо айни шу даврда инсоний эркинликлар ҳам чекланганидан хайратга тушганди.

Кейин худди тутинган отаси каби Рассел ҳам “демократия бир нарса, аммо эркинлик тамоман бошқа нарса экан” деган хулосага келади.

Бугун айни фикрни кўпчилик қабул қилмайди. Лекин аслида бу – тўғри хулоса. Ҳар инсон ўзига хос, алоҳида ва фарқли истак-иродага эга.

Демократия шароитида эса йирик жамоанинг қай йўлдан кетишини белгилаш йўлида ҳар инсон ўз овозини беради. Бу яхши нарсага ўхшайди. Лекин агар сен яшаётган жамиятдаги аксарият одам демократик сайловда овоз бериб, сенинг истагингга қарши йўлни танласа, тамом, сенинг шахс сифатидаги истак-ироданг ва эркинлигинг чекланади – қолади.

Тўғри, айрим эркинликларга сиёсий қарор ва ўзгаришлар дахл қилмаслигини таъминловчи қонунлар мавжуд.

Бироқ сиёсат шундай нарсаки, у бемалол қонунларни айланиб ўтиш

йўлини топади. Давлат заиф бўлган ҳолатларда эса шахс эркинликларини таъминлаш деярли имконсиз бўлади. Хуллас, эркин яшаш йўлида бизга фақат золим ва яккахоким ҳукмдорлар тўсиқ қўйишмайди.

Демократик, аммо эрксиз ўлкалар Ироқни олсак. У ерда сайланган парламент ва бош қонун бор. Ироқ Саддам Хусайдан қутулди. Лекин бу мамлакат ундан кейин эркинликни қўлга киритди? Афсуски, “ҳа” деб жавоб бериш мушкул.

Ёки Қирғизистонга назар ташласак.

Бу ерда минтақада илк бора парламент бошқаруви йўлга қўйилди ва бутун “демократик дунё” Қирғизистоннинг мазкур “улкан ютуғини” олқишлади.

Қирғизистон фикр эркинлиги нуктаи назаридан ҳамон илғор мамлакат саналади. Халқ кўзғолонлари орқали у ерда бир неча бор тузумлар ўзгарди. Лекин Қирғиз давлати ҳар вақт заиф бўлиб келган ва у ерда қонун устиворлигини ўрнатиш амримаҳол.

Инсон ҳуқуқлари фаоллари га қўра, миллий низолардан қарийб уч йил ўтиб, бу ердаги озчилик ўзбеклар ҳамон камситилмоқда ва жазоланмоқда.

Ўзбеклар баъзи жойларда ҳатто оқшом кўчага чиқишга қўрқишларини, етакчи миллат вакиллари ҳақоратларига чидаб яшашга мажбур бўлишарганини айтишади.

Бунга чидолмаган ўн минглаб ўзбеклар эса қанчалик кийин бўлмасин, Россияга чиқиб кетишмоқда. Чунки демократик Қирғизистонда кўпчилик истагига қарши бориб, камчиликнинг ҳуқуқларини тўла таъминлаб бўлмапти.

Кўпчилик қирғизлар овоз берган демократик сайловда эса парламентга аксар қирғиз миллатчилари келишганди.

Миллатчиларга фойдали демократия Оврўподаги демократия ҳам миллатчиларга жуда қўл келаётгани айтилади.

Бир неча йил олдинги демократик сайлов натижасида Австрияда миллатчилар қудрати ошди.

Ҳозир аксар сайловчилар овозига таянадиган Оврўпонинг қатор демократик мамлакатларида аксилмуҳожирот кайфиятлари кучлилиги ва иктисодий инқироз туфайли миллатчилик ҳамда ирқчилик бўй кўрсатмоқда.

Демократик сайловларда кўплаб сайловчилар миллатчи мавқеаларини ўз овозлари орқали билдириб, жамиятда кучайтира бошлашган.

Тўғри, Оврўпода яна 1930-йиллардаги каби миллионлаб инсонлар ёстиғини қуритган қатлиомлар келиб

чиқиши эҳтимолини барча рад этади. Бироқ хавотирлар кучли.

Британиялик бир газетхон “Жамиятимизда кўпчилик муҳожиротга қарши, аммо аҳолиси кексаётган ва камаётган Оврўпо учун бу муҳожирлар ишчи кучи ва малакаси кераклигини билиб турган раҳбарлар халқ олдига чиқиб, бизга муҳожирлар керак дейишга ботина олишмайди” деб ёзганди.

Сабаби – сиёсий раҳбарлар демократия шароитида кўпчилик истак-иродасига қарши боришга ботина олмайди. Бу қадам ҳокимиятдан кетишга ҳам етаклаши мумкин.

Демократия ва Толибон Марказий Осиёга қайтсак.

Минтақада Ғарб ҳозир демократия ўрнатаётган мамлакат – Афғонистон. У ердаги матбуот ва сўз эркинлиги бир қарашда бутун Марказий Осиё учун кўз-кўз қилгудек.

Лекин бу аслида урушларга ўралашиб қолган мамлакатдаги тартибсизлик ва қонунсизлик натижаси эмасми, деган саволлар ҳам бор.

Агар Қарзай ҳукумати бутун мамлакатни тўла назоратига олса, у ҳолатда афғонларнинг фикр айтиш эркинлиги ҳозиргидек бўлармиди? Жавоб – номаълум. Лекин маълуми шуки, кўплаб афғонларнинг айтишича, кучли ҳукумат бўлса, кўпчилик истаётган қонун устиворлиги ва тинчлик нисбатан ўрнатиларди.

Демократиянинг ашаддий душмани саналган Толибон даврида Афғонистонда қонунлар нисбатан таъминланган ва одамлар талончилар ё қуроллилардан қўрқмасдан, бемалол мамлакат бўйлаб кеза олишганини эшлашади.

Тўғри, Толибон қонунлари ўта эркинликни чекловчи ва репрессив бўлган, лекин бу энди бошқа масала.

Ҳозирги Афғонистонда эса одамлар нафақат урушлардан, балки қуролли қўмондонлар, жиноятчилар ва қонунсизликдан қўрқиб яшашади. Мавжуд демократия бу муаммоларни ҳал этишга қодир эмас.

Демократик андазаларга мослаб ўтказилаётган сайловлар эса у ердаги минтақавий ҳамда миллий бўлинишни янада кучайтираётгани айтилади.

Булар – демократия ва эркинлик орасидаги муносабатга оид сўнги мисоллар. Ахвол тарихан ҳам шундай бўлиб келган ва келажакда ҳам қанчалик ўзгариши номаълум.

Демократик Британиянинг собиқ Бош вазири Уинстон Черчилль айтмоқчи: “Демократия ёмон, лекин инсоният ҳали ундан яхшисини ўйлаб тополмаган”.

ЭКСПЕРТ: ХИТОЙ ВА АҚШ БИРГАЛИКДА ЎРТА ОСИЁДАН РОССИЯНИ СИҚИБ ЧИҚАРМОҚДА

Ўрта Осиё (бугун бу ҳудуд Марказий Осиё деб ҳам юритилади), 20 аснинг охирида Совет империяси тугатилганидан сўнгра, ўзининг жўғрофик жойлашуви ҳамда ер ости ва ер усти бойликлари билан жаҳоннинг иқтисодий ва ҳарбий стратегик манфаатлари марказига айланди. Шу муносабат билан бугун жаҳоннинг буюк мамлакатлари ўзларининг жорий ва келажак сиёсатларида бу ҳудудга алоҳида диққат қаратмоқдалар. Бу ҳудуд кимнинг таъсир доирасида бўлиши масаласида, буюк давлатлар орасида бугун кизгин мунозаралар мавзуси бўла бошлади (таржимон)

ИА REGNUM ахборот агентлиги буюк давлатларнинг Ўрта Осиёга нисбатан муносабатлари ҳақида инфраструктуравий лойиҳалар соҳасидаги эксперт Кубат Раҳимов билан суҳбатини эълон қилди (суҳбатнинг оригинали рус тилида ушбу манзилдадир: <http://www.regnum.ru/news/polit/1564287.html#ixzz24fSK7hN7>).

Ўзбекистон – бизнинг ватанимиз, Ўрта Осиёнинг марказий мамлаката бўлганлиги учун, бу суҳбатнинг мазмуни билан танишиш ва уни ўрганиб зарурий мулоҳазалар юритиш, Ҳаракатимиз раҳбарияти ва аъзолари учун ҳам аҳамиятсиз эмасдир, деган ниятда суҳбатнинг ўзбек тилига ағдарилган кўринишини эълон қилишни лозим топдик.

2012 йилнинг августида Роберт Блейкнинг (Роберт Блейка) Ўрта Осиё мамлакатларига сафари алоҳида намойишкорана хусусият касб этади ва АҚШ ўз мақсадларини амалга оширишда мазкур минтақани муҳим ҳисоблаётганини тасдиқлайди. Бошқа тарафдан эса, америкалик мансабдорларнинг бу минтақага буюк бир геополитик объект сифатида қарашлари, минтақа раҳбарларига ҳам жуда ҳуш келмоқда. Шунинг учун улар фақатгина хурсанд бўлибгина қолмаётдилар, ҳатто тез ва энгил эришиладиган даромадлар ваъда қилишмоқда. Бу масалалар ҳақида ИА REGNUM муҳбирига инфраструктуравий лойиҳалар соҳасидаги эксперт Кубат Раҳимов қуйидагиларни сўзлади. Унинг фикрича, “АҚШ ҳарбий-саноат комплекси ўз позицияларини кучайтираётган. АҚШда ҳокимиятни демократларми ёки республикачилар бошқаришидан қатъи назар, қуролхоналар ва ҳарбийлар лоббиси доимий ва кучли бўлиб қолаверади. Амалда АҚШ иқтисоди, фақат ташқий урушлар ва жуда катта пул массасини оммавий йўқотувчи воситалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали юви олиш принципида ишлади. Бунга ёрдам берадиган ресурслар сифатида аскарларнинг памперсларидан тортиб, сунъий йўлдошларгача киритса бўлади. Бу мега-гигоратлар ва бу янги бозорлар, яъни минтақавий урушларни талаб қилади. Америкага урушларда галаба қилиш шарт эмас, унга урушнинг ўзи

бўлса бўлди. Бироқ АҚШга маҳаллий ва узок давом этадиган урушлар керак. “Кўпгина сиёсатшунослар ва футурологлар ҳеч бўлмаганда яқин келажак 20-30 йиллар орасида АҚШ ва Хитойни бир-бирига янглиш тарзда қарама-қарши қўйишадилар. Бугун мутлақо бошқа вазият – бу икки мамлакат орасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси бугун жуда юксакдир. Хитой ўзида XIX асрдаги Америка капитализминини ўрнатганлиги маълум. Хитой махсулотлари сотиладиган энг катта ва биринчи навбатдаги бозор, бу бугун АҚШ бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан, Хитой ўзининг олтин валюта захираларини Америка облигацияларида сақлашга мажбурдир. Бу эса унча-мунча эмас, нақд сал кам уч триллион долларни ташкил қилади. Бугун Хитойнинг бугун экспорт логистикаси шимол-ий Америка бозорларининг юксак даражаси эҳтиёжларини таъминлашга боғлиқ турибди. Америка университетларида чет эллик талабаларнинг энг кўпчилигини хитойликлар ташкил этади». АҚШ ва Хитойнинг Ўрта Осиёдаги бугунги сиёсати ҳақида сўз юритган Кубат Раҳимов, у икки буюк давлат орасида ўзаро келишув ва бир-бирлари ҳаракатларини тўлдириб туриш кайфияти борлигига тўла ишонч билдиради. Бу ерда, албатта, биринчи навбатда Россияни минтақадан сиқиб чиқариш масаласи туради. Иккинчи навбатда эса, учинчи томонларнинг манфаатларини баргараф этиш масаласидир. Россия сиқиб чиқарилганидан сўнг, у икки баҳайбат давлат ўзаро баъзи бир нарсаларни ўйлаб топиши мумкин бўлади. “Бир вақтлар америкалик бир дипломат шундай деганди” – деб ҳикоя қилади Раҳимов, – “Америка амалда ўз маддоҳларини шакллантириш йўли билан Ўрта Осиёдаги интеллектни моддий таъминлапти, Хитой эса, жисмоний инфраструктурага сармоя ётираётган. Аммо уларнинг бу каби фаолиятлари иккала тарафга ҳам бир-бирларининг меҳнати самараларидан фойдаланишга ҳалақат бермайди. Америкалик ҳарбий логистлар, Хитой ва унинг назорати остида бўлган “Осиё тараккиёт банки” (Азиатский банк развития) тарафидан молиялаштириш натижасида қурилган автомобил ва темир йўллари ўз маршрутларига бемалол кўшиб ишлатадилар.

Шу билан бирга, «Қанчалик ҳайратомуз бўлмасин, Хитой ҳам Ўрта Осиёда вазиятнинг таранглашишидан манфаатдордир. Чунки лойка сувда ўз балигини тутиш энгил бўлади. Бундан ташқари, бу ерда Хитой учун биринчидан, уйғур эрқарварларига ва уларнинг минтақадаги тарафдорларига қарши зулмни оқлашга имкон туғилади. Бу ҳолатни Хитойдан ташқарида унинг манфаатларини ҳимоя қилишда далил сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Иккинчидан, Хитойнинг ҳарбийлашаётгани яққол кўриниб тур-

ган нарсасидир. Деворда осилиб турган ўқоғли милтиқ, ундан ўқ узилишини тақозо қилади. Хитойнинг кўпдан буён йиғилиб турган қувватлари ўзини синаб кўришни ҳам қутаётган бўлиши мумкин. Вьетнам урушларидан буён ҳақиқий жанг майдонларини кўрмаган Хитой кўшинлари учун ҳам жанговар майдонни синаб кўриш керакдир», деган фикрни билдиради Раҳимов. У шуларни ҳам таъкидлайди: «Уруш мантиғи ҳамisha парадоксал ва кўп ҳолларда у пацифист назарлар мантиғига тўғри келавермайди. Йиғилиб қолган масалаларни тушунарли ва оддий ҳал қилиш усулларини соғиниб қолингандан, Ўрта Осиёни сезиларли даражада ҳарбийлаштириш, Россия дохил, ҳаммага маъқул бир сиёсатдир. Бундан ташқари, катта ўйинлар, блоklar ва иттифокларнинг иттифокчилар орасида ихтилоф, тўқнашувлар келиб чиқишини истисно қилмайди».

Менимча, – дейди эксперт, – Блейкнинг сўнги ифодаси – анчадан буён қуролларини у ёқдан –бу ёққа отишни истаётган кучнинг ўзини кўрсатишини намойиш қилади. Чунки жаҳон анчадан буён бугун чиқариш даражасига келиб турибди. Икки қайта Ироқ уруши, икки қайта Афғон уруши ва бошқа кўпгина катта-кичик жанжаллар бўлиб туришига қарамастан, дунёнинг турли тарафларидаги қонли тўқнашувлар шундай бўлишни тасдиқламоқда. Шу маънода, Ўзбекистондан Покистон-2 ташкил қилинапти, янги Афғонистон эса Ўрта Осиё мамлакатларидан исталган бири бўлиши мумкин”.

Шулар билан бир қаторда Кубат Раҳимовнинг маълумотларига кўра, «Бугунги Афғон кўшинлари – Франкенштейндир. Қурол-яроғлар исталганча бор ва аскарлар урушга дурустгина ўргатилган, бундай кўшин кўшнлар билан кичик-кичик ва зафарли урушлар қилиш мақсадида ўз ички муаммоларни ҳал қилишдан четга чиқиши мумкин эмасми? Мумкин, албатта. Мамлакат бўйлаб юзлаб базалар бўлган 27 минглаб натолик дўстлар ва қарзайчилардан қолган бир миқдор қурол-яроғи бўлган кўшин билан исталган тарафга, Шимолгами, Шаркками ёки Ғарбга кетавериши мумкин. Бу ҳолатни шарҳловчилар муҳокама қилишмайди, аммо афсус».

Бунинг устига, «Блейкнинг баёноти Россия учун жуда катта, Қозғоғистон учун эса бир миқдор фойдалонди. Уйқудаги айиқ юксак овозни эшитиши ёки қаттиқ тепкини сезади. Бу ҳолда Россиянинг «диққатни йиғиш учун диққатни йиғиш» сиёсати минтақадаги ўз манфаатларини «сицилианча ҳимоя» қилиш йўналишида қўйиладиган аниқ қадамлар учун тўртки (импульс) олиш имкони мавжуд», деб хулоса қилади эксперт К. Раҳимов.

Рус тилидан Алибой Йўляхшиев таржимаси

(Давоми: Боши олдинги сонларда)
“Буюк одам доим танходир”

Америкалик ёш олима Руф Дейблер диссертациясида тадқиқ этилганига қараганда, 1986 йилдан – қайта қуриш ва ошқоралик давридан бошлаб, Муҳаммад Солиҳ ижодида мажозийлик ўрнини аниқлик, реаллик эгаллай бошлайди.

Руф Дейблер тадқиқотининг 2-бобида 1986-1989 йиллар ўртасидаги сиёсий воқеалар ва уларни Муҳаммад Солиҳ ижодига таъсири хусусида фикр юритилади.

Бу даврда ўзбек зиёлилари пахта монокультураси, ернинг захарланиши ва шўрланиши, Орол денгизининг қуриш бошлаши, болалар ўлимининг ошиб бориши, рақ, сил, тиф ва сарик касалликлари билан оғриганларнинг сони ортиши каби масалаларга кенг халқ оммасининг эътиборини қаратишга ҳаракат қилдилар.

Бу бобда тадқиқотчи “Аёлларга соғлиқ беринг”, “Ленин, Сталин, Брежнев ҳақида ташбеҳлар”, “Қайтиш”, “Академик Э. Юсуповга мактуб”, “Уйғонишнинг оғир йўли” каби адибнинг шеърӣ ва публицистик асарларини таҳлил қилган, маълум хулосалар чиқарган.

Америкалик тадқиқотчининг аниқлашича, бу даврда ижод қилган асарларида адиб оқиб фикр юритади. У ўз фикрларини рамзлар, мажозлар ортӣга яширмайди. Адибнинг асарлари бошқа ёзувчилар асарларидан уни ажратиб турадиган ўзига хос индивидуалликка, оҳангга эга.

Бу даврда адиб мурожаат қилган мавзулардан бири, тадқиқотчининг кўрсатишича, яқин тарихни қайта идрок қилиш бўлган. Ошқоралик шиори остида адиб репрессияга учраган ўзбек ёзувчилари меросини қайта кўриб чиқишга қақирганлардан бири бўлган.

Гарчи ўша давр ҳукумат бошлиқлари жамоатчилик талаби натижасида режимни қисман либераллаштиришга мажбур бўлган бўлсалар-да, буни улар иложсизликдан, истамай амалга оширгандилар, деб ёзади Руф Дейблер.

Диссертациянинг 3-бобида тадқиқотчи 1989-1992 йиллар ижтимоӣ жараёнлар И. Каримов томонидан қаттиқ контрол қилина бошланиши билан ажралиб туради, деган хулосага келади. Ўз хулосасини ушбу мисоллар билан тасдиқлайди: агар 1989 йил октябр ойининг ўрталарида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига бағишлаб ўтказилган халқ намоёншига бир неча ўн минг ҳамда 1990 йили май ойида Диний Бошқарма муфтийси қилиб отаси томонидан тайинланган, маънавий бузуқ Шамсиддин Бобоҳоновга қарши ўтказилган намоёншига

20 мингдан ортӣқ киши қатнашган бўлса, Ўзбекистон мустақиллик эълон қилганидан сўнг (1 сентябр 1991 йил), бундай намоёншларга мутлақо руҳсат берилмаган.

1989-1990 йилларда Муҳаммад Солиҳ фаол сиёсатчи сифатида фаолиятда бўлди. Адибнинг “Бирлик” халқ ҳаракатини ва “ЭРК” Демократик партиясини ташкил этиш ва оёққа турғизишда жонқуярлиги ҳамда Олий Мажлис депутати сифатидаги фаолиятлари ҳам мана шу бобда атрофлича ўрганилган.

Мазкур бобнинг охирида муаллиф чиқарган хулосалардан бири шуки, адиб 1992 йилга келиб “ЭРК” Демократик партиясини тузган, Олий Мажлисга депутат, президентликка номзод бўлган бўлса ҳам, демократиянинг тўла бўғилиши сабабли у чуқур тушқунликка тушган эди. Диссертациянинг 4-бобида 1992-1995 йиллар воқеалари қаламга олинган. Руф Дейблернинг аниқлашича, президент томонидан олға ташланган “нима қилиб бўлса ҳам стабилликка эришиш” ғояси хур фикрлиқликни бўғиш учун бошланган кампания бўлганди ва шундай бўлиб қолди. “Оммавий камашлар, уриб, майиб қилишлар, ахборот воситалари – матбуот, радио ва телевидениени қаттиқ контрол остига олиш, талафот кўрганларнинг гувоҳлик беришларича, услублари Сталин қатағони услубларидан қолишмайдиган янги хавфсизлик органлари бу даврдаги И. Каримов режимининг ўзига хос характерли белгиларидан бири бўлиб қолган”, – деб ёзади диссертант 4-бобда.

Мамлакатда юз бераётган бундай мудҳиш ҳолга қарши ўлароқ Муҳаммад Солиҳ 1992 йил июн ойида депутатликдан воз кечади ва унинг партияси яширин фаолиятга ўтади. Мазкур бобда тадқиқотчи адибнинг “Ойдинлик сари” асарини кенг таҳлил қилади ҳамда ушбу хулосага келади: “Гарчи ўз Ватанидан чиқариб юборилган бўлса-да, Муҳаммад Солиҳ ўз ватани сиёсий ҳаёти билан узвий алоқадар. У демократик қайта қурилиш учун курашяпти...”

Демократик ўзгаришларга амал қилишга ваъда берган бўлса ҳам, И. Каримов Ўзбекистонда халқ ҳаётининг барча жаҳаларида тўла диктат ўрнатди. Ўз сиёсатида у фуқароларнинг ҳар қандай хурфикрлиқига очикдан-очик қаршилик қилиб, мухолифатни қаттиққўллик билан таъқиб этаяпти”. М. Солиҳ ўз асарига ёзганидек, “...оддий шамол ҳайқалларни ҳеч учиролмайди. Уларни жуда катта ижтимоӣ воқеалар, лоқал инқилоб бўрони учирishi мумкин”. Ҳа, дарҳақиқат, ҳайқалларни ва шунингдек, ҳайқалга айланган мутлақ бошлиқчаларни халқ ғзаби бўрони

учиражақдир. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Америкалик олима Руф Дейблер диссертациясини худди шу сўзлар билан хотималайди:

“Ҳиёбонда ёлғиз ва хаёлга шўнғиб турган ҳайқаллар каби Муҳаммад Солиҳ ҳам шухрат ва машхурликни татиб кўрди. Бироқ у ҳозир яна ёлғиз. Шу сабабли Муҳаммад Солиҳнинг ўзига нисбатан “Буюк одам доим танходир” иборасини ишлатиш ўринли бўлади”.

Муҳаммад Солиҳ вақтинча танходир, бироқ у доим буюқдир, чунки ўз бошига энг мудҳиш мушқулликларни солишаётган бир вақтда ҳам, у ўз халқининг фаровонлигини ўйлаяпти. Зеро, халқдан унинг топган-тутганларини юлиб олиб, чет элга ташиб кетувчилар эмас, балки ўз манфаатини ўйламасдан, ўзининг топган-тутганларини ўз халқига раво кўрувчилар доим буюқдир.

Хайрулла Х. Исматулла
Индиана Университети
15.01.2001

КАРИМОВДАН СОЛИХГАЧА

Бу узун таътил, яхши бир баҳона бўлди. Икки ойдир, пишқириб-кўпирган сувлар тиниклашди, ички социал зилзилалар танаффусга чиқди. Бу фурсатдан фойдаланиб, қатор мақолалар билан Ўрта Осиёдаги нуфузи энг кўп қардош жумҳурият ҳақида батафсил ёзмоқчиман. Муаммога айланган Муҳаммад Солиҳ мавзуси... 10 йилдир, бу ўлкада яшаган бир эски дўстим зиёратимга келди, исмини зикр этмаслигимни илтимос қилиб, шу билгиларни берди. Унга ташаққурларимни билдирмоқчиман. Воқеани бошдан бошлайлик: Перестройка даврининг сўнгги бўлимида Кремл уч қиррали бир муаммо орасида қолганди. Совет Иттифоқи иқтисодий бўҳронда тамомила чўкканди. Иттифокдаги ўлкаларнинг олгани берганидан кўпроқ бўла бошлаганди. Ва бу ўлкаларда Рус нуфузи ерли халққа нисбатан борган сари озаяр эди. Турк жумҳуриятларининг лидерлари ҳам безовта эдилар. Балки, Кремл уларни синаётгандир, деб хавотир олишаётгандилар.

Оптимизмдан ҳақиқатларга

Эстония ва Литва илк одимни отгандан сўнг гараддуд булутлари тарқалди. Мустақиллик баёнотлари изма-из эълон қилина бошлади. Туркия кўксини кериб “БМТ да 6 та Турк Жумҳурияти бор!” деяжақ қадар бир умидвор шабада эди. Лекин ғоз оёқларининг фарқли экани тез маълум бўлди...

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Отатуркнинг Советларда дини ва тили бир қардошларимиз яшаётгани, бир куни улар ўз мустақилликларини эълон эта-жаклари ва у кунга биз ҳам тайёр бўлишимиз кераклиги ҳақидаги гапларини биз унутгандик. Яъни биз тайёргарликсиз эдик. “Ўрта Осиёдаги қардошларимиз ким?” деган савол анчагача ақлларимизни гаранг қилиб қўйди: ким булар, Туркми ёки ўзлари айтганларидай “Туркийлар”га уйғун халқларми? Зиёратлар қилинди, раҳбарлар учрашдилар, элчионалар очилди, ишодамлари бориб кела бошлади, талабалар келди, аскарый ва хавфсизлик соҳасида Туркия ёрдам бера бошлади, у ерларда турк мактаблари очилди, Туркия ташқаридан қарз олиб, бу қардошларга қарз берди.

“Янги Оға”

Аммо бир муддат сўнгра ҳафсалалар “пир” бўла бошлади. Туркия берган сўзини кучи етганича бажаришга интиларди, аммо “қардош раҳбарлар” ҳеч сўзида турмасдилар. Туркия турк ишодамларига қилинаётган ҳақоратларни ҳам ичига ютди, аммо, масалан, Туркманистон табиий газини бир эртак ўларок қолиб кетаверди. Элчибейнинг ўлимидан сўнгра Озарбойжон нефт хатти (нефт қувури) ҳам эришиб бўлмас бир орзуга айланди... Туркия сабр қилса ҳам Ўзбекистон деган ўлкадан ғалати саслар чиқа бошлаганди. Беш йил аввал Анкарада ўтган Турк Курултойида ўзбек олимнинг минбардан “биз Турк эмасмиз” деганига қарши Озарий ва Туркман делегатлардан “Турк бўлмасанг, минбардан пастга туш!” дея ҳайқиргандилар. Аммо бу “фарқли овоз” шундай дер эди: “Болше старший брат не надо!” Туркия эса бу матбуотнинг инжиқликлари қаршида Туркистон Туркчаси билан айтганда “тишини тишига босиб” жим турарди. Бу “фарқли овоз”нинг соҳиби Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов эди.

Алоқалар таранглашмоқда

Ўзбекистонда ўзига ишонган бир ёш депутатнинг борган сари халқ ичида обрўси юксала бошлаганди. Исми Муҳаммад Солиҳ эди. Ва Каримовдан Парламент Раислигини сўраётган эди. Каримовнинг бу талабни маъқуллагани ораларидаги муносабатни таранглаштирди, бир муддат кейин эса худди банан жумхуриятларидаги каби иплар ечиб бўлмайдиган бир кўр тугунга айланди... Нурали Қобулов деган бир миллат-

вакили, “Модомики, бу мажлисда истаганларимни гапира олмас эканман, бу миллат вакилиги менга нимага керак”, деб миллатвакилликдан истеъфо қилди...

Бу нутқдан сўнгра катта жанжал чиқди, Муҳаммад Солиҳ ҳам Каримовга икки мушт туширди... Каримов 1992 йилги талаба воқеаларининг бошида бўлгани учун доим шубҳа билан қарагани Солиҳни фурсатдан фойдаланиб, дарҳол ҳибсга олди...

Муҳаммад Солиҳнинг Туркия саргузаштлари

Ҳибсдан чиққандан кейин Мамадали Маҳмуднинг (1999 йил феврал портлашлари баҳонасида камалган) маслаҳати билан Ўзбекистондан ғойиб бўлган Муҳаммад Солиҳнинг Туркияда эканлиги иттифоқ қилинди. Хафа бўлган Каримов Демиралга бир мактуб ёзиб, Солиҳнинг Ўзбекистонга таслим этилишини талаб қилди. Демирал эса “Муҳаммад Солиҳнинг жиноят қилмагани, бор-йўғи бир режим муҳолифи эканлиги, бошқана сўрагани таслим қилиш Турк урф-одатига тўғри келмаслиги”ни айтди. 1995 йилда яна бир воқеа юз берди. М. Солиҳ Ўзбекистондаги бир дўстига мактуб ёзиб, Туркияда тижорат коллежида ўқитиш учун 50 та ўқувчи юборишни, уларни етим болалардан танланиши(!!!) кераклигини истади. Бу болалар коллеждан сўнг Ўзбекистонда очиладиган магазинларда ишлашгагини кўшимча қилди. Ҳақиқатан ҳам Қарши шаҳридан 49 ёш йигит Туркияга келди, бир ётоқхонага жойлашди. Бундан кейинги воқеалар бир оз мажхул ва ноаниқ, бу ёшлар гўёки бир тоғли бўлган партизан ҳаракатларига ўргатилиб, Чеченистонга жўнатилган эмиш. Бу тарафлар қоронғилик, аммо алоқаларимиз қандай қўлгани маълум... Бу ёшлар Ўзбекистонда бошқа бир айбдан ҳибсга олинди, гўё Туркиядаги партизан кампиди туширилган суратларни кўрсатганлар... “Нахотки?!.. Нахотки?!”

Ўзбек маъмурлари папка-папка досъелар тайёрлаб, Туркия Буюк элчилигининг эшигини қоқдилар. Ва дипломатик йўлдан Туркияни протест қилдилар. Туркия расмий мактуб билан воқеани тақиб қилди. Бундай ҳол юз берган бўлса ҳам бундан ҳабардор эмаслигини билдирди... Ўзбек тарафининг иттифоқлари бу билан чекланиб қолмади. Туркияга юборилган 2 минг талаба аллақачон Муҳаммад Солиҳнинг тузоғига тушган эмиш... Талабаларнинг ҳаммаси режимнинг ашаддий муҳолифлари-га айланганди уларга кўра.

Каримовнинг юзи аламдан буришиб, бу ҳақда гап очилганда: “Нахотки!.. Нахотки!.. Туркия каби бир давлатнинг шундай воқеадан хабари бўлмаса!!??” дерди.

Воқеалар чигаллашмоқда

Ўзбекистон досъесининг надоматли қайдлари воқеалар ривожлангани сари кўпая борди. Проф. Др. Аҳад Андижонийни танийсиз, у бир пайтлар “Туркистон” жамиятининг раиси эди. Истанбулда бир бино сотиб олиб, у ерда жамият марказини очганди... Туркияга келган Каримовни ўзбек элчиси Абдураззоқ бей воситасида жамиятга тақлиф қилди ва минбарга чиқиб “Сен бегуноҳ инсонларни камоққа ташлаяпсан, демократияга ўтишинг керак!” деб нутқ олди. Каримов эса ташқарига чиққандан сўнг элчи Абдураззоқ бейнинг ёқасига ёпишди ва “сенинг онангини... сенинг хотинингни си... бу одамларни сен тайёрладинг!” деган ҳақоратлар билан уни элчиликдан бўшатди. Каримов шунақайди... Бир марта Марказий Банк раисини касалхонага тушадиган даражада калтаклаганмиш. 1999 йилда бир вазир ва унинг ёрдамчиси Каримовнинг калтагидан кўриқиб, 6-қаватдан сакраб интихор қилишганди...

Туркияга қарши пропаганда

Боласи Туркияда ўқитган отоналар ўйинга киритилди. Махсус таёёргарликдан ўтганлар телевизорда чиқиб гапиртирилди: “Мана, боланинг сурати, битта суяги қолган болагинаминг, хурматли Президентимиз, болам ёзганига кўра, уларга Туркия давлати берган овқатлар етмаётган эмиш, болагинам оч ухлар эмиш!” дея йиғлаган оналар... Сценарий шундай ёзилди. Қўқон шаҳридан ўз оиласига мактуб ёзган бир хаёлий (ҳақиқатда бўлмаган) бир қиз образи ижод этилди. “Унинг эътироф қилишича” уни навбатма-навбат зўрлашган эмишлар... Бу қулғули сценарийларга давлат ижро идоралари ҳам дарров аралашиб, Туркияга яқин кўринган маъмурлар ишдан қувилди. Шариатчи оқимларни қўллади, деган баҳонада “Улкер” фабрикасига ҳам хужум қилишди, унинг банкдаги ҳисобини муҳрладилар. Ўша даврнинг Бош вазири Тансу Чиллар келганда ўзбек ТВсида Муҳаммад Солиҳнинг давлат тўнтариши ташаббуси ва бунга Туркиянинг ёрдам бергани ҳақида программалар кўрсатилди. Каримов Парламентда “Бу туркларнинг ҳаммаси- сотқин!” деган куракда турмайдиган гаплари қулқондан-қулқонга ўтди.

(Давоми келгуси сонда)

ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Ўпкаларни тозалаш

Пишлоқ, сут ва сут махсулотларини ҳаддан ортиқча истеъмол қилганлар (қон гуруҳи “А” ва хусусан “О” бўлганлар), буларни бошқа таомлар билан аралаш еганлар, печенье, чипс ва шу каби тайёр таомларни ёқтирадиганлар, тозалаш ва кир ювишда хлорли ва кислотали воситалар ишлатадиганлар, сочлари жонсиз ва сийрак бўлганлар ва ҳар қандай ўпка касаллигини бошидан ўтказганлар ўпкаларини тозалашлари керак.

Ўпкаларни тозалашга тайёргарлик ўпкаларни тозалашни бошлашдан олдинги 7 кун давомида қуйидаги муолажа амалга оширилади: Пўстлоқли арпа, 3-4 соат ивигилгандан кейин, ўша соатда 1-1,5 соат қайнатилиб сузилади. Илиқлашиб қолгандан сўнг, 1 стакан арпа сувига 1 (десерт) ўргача қошиқ асал қўшиб, кунига 2-3 марта ичилади.

Ёки:

Қоразира, тошчўп (жамбул), бир оз мурч ва дафна барги, нўхот (энг яхшиси қора ҳинд нўхоти) билан қайнатиб сузилади. Сузилган сув кунига 2 марта ичилади.

Ўпкаларни тозалашни бошлашдан олдинги 7 кун давомида қуйидаги муолажа амалга оширилади:

Ана шу 7 кун давомида ўпкаларни юмшатувчи дорилардан бири ёки бир қанчаси қўшимча равишда қўлланилади:

1 ош қошиғида ҳақиқий асал илиқ сув ёки кўк чой билан эритилади ва оч қоринга ичилади. Ҳар тонгда асал сиропи ичган кишиларнинг ўпкалари тоза ва қувватли бўлади. (“Асал” бўлимига қаранг.)

1-2 ош қошиғи зиғир уруғи қовурилиб, янчилган ҳолда ҳар оқшом оч қоринга илиқ сув ёки асал сиропи билан бирга ичилади. Янчилган зиғир уруғига 3 бўлакча янчилган саримсоқ ва етарли миқдорда асал қўшилса, дори янада қувватли бўлади.

7 дона ширин бодом, 3 дона аччиқ бодом, 3 гр. қовун уруғи, 10 гр. ошқовоқ уруғи алоҳида-алоҳида ёки бирга янчилган ҳолда ичилади ёки янчмасдан ейилади.

3-9 дона ширин ва 3 дона аччиқ бодом ҳар куни танафуссиз, ойлар давомида ейилади.

Ўпкаларни тозалаш

Эрталаб: 1 шўрва қошиғи қовурилган зиғир уруғи + 12 дона ширин бодом + 3 дона аччиқ бодом + бир десерт қошиқда кичитки ўти тухуми янчилган ҳолда иккига бўлинади, биринчи ярми асал сиропи билан бирга тонгда ичилади. Дорининг қолган ярми кечкурун

ичилади. Бу дори балғамни йўталиш орқали чиқаради.

Бундан кейин тушга қадар ҳар соат аввалида 1 дона лимон сиқилган ҳолда ярим стакан сал иссиқ сув билан аралаштирилади ва ичилади. Бу зайлда 3-4 дона лимон истеъмол қилинади. Лимон сувини ичолмаганлар 2-3 стакан грейфрут сувини ичиши мумкин.

Тушдан кейин мева ва салат ейилади.

17:00-18:00 соатлар орасида овқат ейиш мумкин.

Кечқурун уйқудан олдин яна такроган юқоридаги қоришма ичилади. Шу зайлда 10 кун давом эттириш мумкин.

Муолажага параллел бўлган ҳолда 10-14 кун бўйича, 2 кунда бир елкаларга, елканинг уст қисмига ва ёнларига 10-12 дона банка қўйилади. Ҳаммаси бўлиб 5-7 мартаба банка қўйилиши мумкин бўлади. Мазкур даволаш тадбири балғамнинг чиқишини қулайлаштиради ва тезлаштиради.

Бундай кейин 10 кун давомида қуйидаги қоришмалар истеъмол этиш давом эттирилади:

1 чой қошиғи арпабодиён + 1-2 ош қошиқ зиғир уруғи 1 ярим стакан қайноқ сув билан аралаштирилади. Устига латта ўраб, 1,5-2 соат дамлаб қўйилади. Ҳар куни эрталаб янгиси тайёрланади ва сузмасдан уруғи билан бирга ичилади.

50 гр. пиёз суви, 1 ош қошиқ асал билан қориштирилган ҳолда ҳар куни кечкурун ютим-ютимдан ичилади.

Ёки: 1 кило тоза анжир (тоза анжир ўрнига 250-300 гр. табиий бир шаклда қуритилган анжир сув билан ивигилади ва бир оқшом қутилган ҳолда қўлланилади.) + 300 гр. сув + 1 стакан шакар аралаштирилади, 10-15 дақиқа паст оловда қайнатилиб, 5-6 соат қутилади. Сўнг ярим кило асал, 2 ош қошиқ янчилган занжабил қўшилиб, 2-3 дақиқа паст оловда қайнатилади ва олов ўчирилади. Сўнг заъфарон қўшилади ва совutilган ҳолда сузилгандан кейин олинган сироп 50 гр. тошчўп (жамбул) чойи билан бирга кунига 1-2 марта ичилади.

Шу зайлда балғам тамоман йўқ бўлгунча танланган дориларни истеъмол қилишни давом эттириш керак. Бу муолажа вақтида балғам ва йўтал кўпаяди, бунинг ҳеч хатарли жойи йўқ, чунки балғам фақат йўтал билан чиқади.

Узоқ вақт давом этмаган шиддатли йўталлар учун балғам чиқарувчи, ўпкаларни тозаловчи ва қувватлантирувчи дорилар:

5 гр. муррисафий + 5 гр. қалампир, (қон группаси “О” ва “В” бўлганлар

қизил қалампир, қон группаси “А” бўлганлар мурч, “АВ” бўлганлар қалампирсиз) + 20 гр. хантал + 40 гр. кичитки ўти уруғи янчилади. Тонгда ва кечкурун бу дори 1 десерт қошиқдан олинади ва асал сиропи билан ичилади.

Ёки:

2 ош қошиқ кичитки ўти уруғи, 1 ош қошиқ хантал уруғи билан янчилади ва 200 гр. асал билан аралаштирилади. 2 ош қошиқ тоза сиқилган ва сузилган аччиқ қовун суви (ёки 4 ош қошиқ аччиқ қовун япроғининг суви) асал ва уруғ қоришмасига қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади. Тонгда ва кечкурун оч қоринга 1 десерт қошиқдан ичилади.

Ҳар қандай йўталда қўшимча ҳолда қуйидаги балғам чиқарувчи воситалар қўлланилиши мумкин:

Анфия (хидли тамаки) бурунга тортилади ва аксирилади. Аксирикнинг қуввати ила ўпкадаги балғам туширилади.

Хурмо, беҳи, туруп, анор данакларини ейиш, овқатда қоразира ишлатиш, мирт суви ичиш, кунига бир ҳовуч ўрмон ёнғоғини асал билан ейиш ҳам балғамни туширади.

Нух (а.с.) сил хасталигига учраган вақтда, Аллоҳдан оқ узум истеъмол қилиш ҳақида ваҳий келди, уни егач, Нух (а.с.) шифо топди, деб айтилади. Қон гуруҳи “А”, “В” ва “АВ” бўлганлар учун оқ узум қанчалар шифоли бўлса, қон гуруҳи “О” бўлганлар учун қора узум шу қадар шифолидир.

Қон ва томирларни тозалаш

Юқори қон босими, юрак хасталиклари, жигар хасталиклари, юқори холестерин каби касалликларни бўлганларнинг ва 40 ёшдан ошганларнинг қон ва томирлари тозаланиши керак.

3 ҳафта давомида ҳар кун тонгдан пешинга қадар:

Гилос мавсумида гилос, олча мавсумида олча, олма мавсумида пўстлоғи ва данаги билан олма ва олма суви, анор мавсумида данаги билан биргаликда анор ейилади ва бу меваларин суви ичилади.

Шу билан бирга:

Пешинда таом ейиш мумкин.. Кечқурун эса қуйида номлари келтирилган “Қонни тозаловчи, томирларни очувчи ва холестеринни тушурувчи дорилар”дан бири ичилади.

Ҳар ҳафтанинг 2 куни фақат мавсумий мева ейилади ёки мева суви ичилади.

Қишда қизил лавлагининг сувини ичиш ва пиёзли дори ёки сармисоқли зайтунёғини истеъмол қилиш лозим.

(Давоми кейинги бетда)

ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ / ҲОЖАМОТ*Давоми боши олдинги бетда***Конни тозаловчи, томирларни очувчи ва холестеринни туширувчи дорилар:**

Асалли саримсоқли дори

10 дона лимон суви + тахта хаовончада янчилган 10 бош саримсоқ + 1 кило асал аралаштирилиб, шиша банкага қўйилади. Оғзи 3 қатлам пахтали латта билан ёпилади ва қоронғи бир жойда 7 кун сақлаб турилади. 7 кундан кейин шиша банканинг қопкоғи ёпилади.

Тайёрланган қоришмадан кунига бир марта бўлган ҳолда 4 чой қошиғи ютилади. Ҳар сафар кўпи билан оғизга 1 чой қошиғи олинади. Дарҳол ютмасдан, дорининг оғизда тарқалишини таъминлаган ҳолда чайқаб-чайқаб эритиш лозим. Дорининг бундай тарзда истеъмол қилиниши муҳимдир, чунки дори ошқозонда эмас, оғизда капилляр томирларга сингдирилиши муҳим. Дори тугагунга қадар ҳар кун аниқ бир соатда оч қоринга ичилади. Мазкур мукамал дорининг бу тарзда тугатилиши юрак ва мия томирларини тозалаб, очади, конни тозалайди. Агар дори бирдан ичилса, жигар хасталикларига, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасига, ошқозондаги Н. Рубоги инфекциясига барҳам беради. Ушбу дори узок вақт кутилади, ҳатто қанча кўп кутилса, шунчалик қувватли бўлади.

Дори соғлом бўлганларнинг касал бўлмаслиги учун, хасталарнинг эса шифо топиши учун йилда бир марта қўлланилади. Айниқса, 40 ёшдан ошганлар бу дорини ҳар турдаги касалликларда қўллашлари мумкин. Пиёзли дори

Пиёз суви сиқилади. 1 стакан пиёз суви + 1 стакан асал аралаштирилади, бу қоришмадан 30-50 гр. кунига 2 марта оч қоринга саримсоқли зайтун ёғи билан ичилади.


Саримсоқли зайтун ёғи

1 стакан зайтун ёғи + 1 бош янчилган саримсоқ аралаштирилади ва 1 кун музлатгичда қўйилиб, сузилади. Кунига 1 марта, 30 гр. саримсоқли зайтунёғи + 30 гр. лимон суви аралаштирилган ҳолда ичилади.

Диккат: Ҳар кун 50 граммдан кўп зайтун ёғи истеъмол қилмаслик керак. Розмаринли сирка

3 ош қошиқ розмарин ховончада янчилади, 500 гр. уйда қилинган олма сиркаси билан аралаштирилади ва қопкоғи ёпилган ҳолда қоронғи бир жойда 7 кун сақланади. 14 кун мобайнида ҳар куни бу сирканинг 30 грами сув билан аралаштирилган ҳолда кунига 1-2 марта оч қоринга ичилади.

Навбати билан қўлланиладиган бу дорилар юрак ва бошқа органлардаги спазм (қисилиш, сиқилиш)ни ёзувчи,



нафас етишмаслиги дардига мубтало бўлганлар учун энг яхши томир тозаловчи дорилардир. Мия, юрак томирларини ва бошқа барча томирларни кенгайтиради, нафас олиб чиқаришни енгиллаштиради. 40 ёшдан сўнгра одам бу дориларга эҳтиёж ҳис қилади, ҳар йил 1-2 ой мобайнида албатта қўлланилиши лозим. Розмарин, занжабил, саримсоқ, пиёз, қизил лавлаги, лимон, грейфрут, яшил чой, қичитки ўти, петрушка, наъматак, уйда тайёрланган сирка, олма ва анор қон ва томирларни тозаловчи хусусиятларга эга.

Қон олдириш (хожамот)

Кимки (Ҳижрий) ойнинг ўн еттинчи, ўн тўққизинчи ва йигирма биринчи куни хожамот қилса (қон олдирса), ҳар дарадан шифо топади.

Ҳадиси Шариф

Иссикликнинг шиддатидан қон олдириш орқали қутилинг. Зеро, қон қуюқлашади ва одамни хаста қилади, ҳатто ўлдиради.

Ҳадиси Шариф

Ҳар қандай бир касалликдан қутилиш ва соғлиқни сақлаш мақсадида тананинг маълум жойларидан ингичка ва капилляр томирлардан қон олишга ««хожамот»» дейилади.

Тукқан ва ҳайзи тартибли келадиган соғлом аёлларнинг қон олдиришга эҳтиёжи йўқдир. Қадимда доимий курашиш ва ов қилишга мажбур бўлган соғлом эркекларнинг ҳам қон олдиришга эҳтиёжи бўлмаган. Чунки улар урушларда қон йўқотишарди ва тез-тез оч қолишарди. Бугунги кунда эса, кўп рўза туган, оз еган ва етарли микдорда ҳўл мева ва сабзавот еган соғлом эркекларнинг қон олдиришга эҳтиёжи йўқдир.

Аммо замонамизнинг аксарият аёл ва эркеклари ширин, тузли, ўта ёғли ва аралашмали тайёр егуликларни аралаштирган ҳолда, боз устига, кунига 3-4 марта еганлари учун қон олдиришга катта эҳтиёжлари бор. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг хожа-

мотга тегишли кўп марта айтилган ҳадиси шарифи қон олдиришнинг муҳимлигини кўрсатмоқдадир. Бу ҳадисларнинг бир қисми шулардир: “Меърожда, “Ё, Муҳаммад (с.а.в.)! Умнатларингга қон олдириш (хожамот)ни амр эт. Хожамотда сиз учун шифо бордир”, демаган фариштани учрагмадим.

Хожамот бутун хасталикларга шифодир. Шифо берувчи нарсаларнинг энг хайрлиси хожамотдир.

Кимки қон олдирса, ҳар қандай бир шифо кўрмасдан, унга бир зарар келтирмайди.

Бўйиндан ва кураклар орасидан қон олдириш. Бошдан қон олдириш (унга Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Жон қутқарувчи” дерди) етти дардга шифодир: жинилик, бош оғриғи, мохов, ғафлат босиш, тиш оғриғи, бош айланиши.

Жаброил алайхиссалом қон олдиришни шу қадар тавсия қилдики, бунинг ўта зарур эканлигини тушундим. Оч қоринга хожамот ақлни ва хотирани кучайтиради. Тўқ қоринга хожамот дарддир.

Ойнинг (ҳижрий) 17, 19, 21-чи кунларида, пайшанба, душанба ва сешанба, рўзали бўлсангизда, қон олдириш. Жума, шанба, якшанба, чоршанба кунларидан сақланинг (қон олдирманг). Бош чуқуридан қон олиш паришонхотирликка олиб келади. Бундан сақланинг. Кимки қон олдираркан, “Оятул Курси”ни ўқиса, қон олдиришдан фойда кўради. Оч қоринга хожамотда шифо ва баракат бордир. Ақлни ва хотирани зиёда қилади.

Пайшанба куни Аллоҳнинг баракати тугайли қон олдириш. Жума, шанба ва якшанба кунлари хожамотдан сақланинг. Душанба ва сешанба кунлари қон олдириш. Чунки бу кунлар Аллоҳ томонидан Айюб (а.с.) га берилган балодан сақловчи кунлардир. Чоршанбадан ҳам сақланинг. Зеро, Айюб (а.с.)нинг хасталиги шу куни келди. Мохов ва ўлат касаллиги чоршанба куни ёки чоршанба кечаси давомида пайдо бўлади”.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош